

БАНК АЖЪОРЧНО МАШИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 13 (516)

2006 йил 29 март

МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ-КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ МАВЖУД ВАЗИЯТ ВА МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ 2006 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

“Монетар сиёсатнинг 2006 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари”
Марказий банк томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ тайёрланиб, пул муомаласини мустақамлаш, инфляция-даражасининг прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишини ва алмашув курси барқарорлигини таъминлаш каби устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Марказий банкнинг бош мақсади, миллий валюта барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунда асосий эътибор, инфляцияга қарши сиёсат юритиш орқали сўмнинг тўлов қобилиятини янада мустақамлашга, тўловлар ва ҳисобкитоблар тизимини янада такомиллаштиришга ҳамда сўмнинг республикамиз ҳудудида ягона қонуний тўлов воситаси сифатидаги мақомини таъминлашга қаратилади.

2005 йилда Марказий банк ўзига юклатилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, инфляциян жараёнларни жиловлашга ва иқтисодийнинг пулга бўлган талабини қондириш орқали, иқтисодий

ўсишни қўллаб-қувватлашга қаратилган пул-кредит сиёсатини амалга оширди.

1. 2005 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ КОНЪЮНКТУРА ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ

1.1. Реал сектор ҳолатининг таҳлили.
2005 йил давомида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликнинг янада мустақамланиши, жумладан миллий валюта, нархлар ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги сақлангани ҳолда олтин-валюта захиралари ва аҳоли реал даромадларининг ошиши кузатилди.

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидаги ижобий ўзгаришларга эришиш Марказий банк томонидан пул массасини самарали тартибга солиш бўйича амалга оширилган

аниқ чора-тадбирлар натижаси бўлиб, бу ўз навбатида мамлакатимизда инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг сезиларли даражада пасайишида ҳамда миллий валюта барқарорлигини таъминлашда ўз аксини топди.

Шу билан бирга банкларнинг молиявий воситачилик ролининг ошиши, хусусан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳамда ушбу маблағларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши ҳам иқтисодий ўсишда муҳим рол ўйнади.

Ялли ички маҳсулот (ЯИМ). 2005 йил якунлари бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларнинг деярли барча мақсадли параметрлари бажарилди. Жумладан, ЯИМ реал ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,0 фоизга ўсиб, унинг дефлятори 16,0 фоизга, истеъмол маҳсулотлари нархлари индекси 7,8 фоизга тенг бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ҚЎШМА БАНК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 мартдаги 794-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 апрелдаги 212-рақамли Қарорига биноан ташкил этилган савдо ва тижоратга кўмаклашувчи “Савдогар” акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиб бораётган банкларидан бири бўлиб, уюшган савдога, хизмат кўрсатиш соҳасига хилма-хил банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Республика молия бозорида рақобат кучайиб бораётган бўлишига қарамай, банк ўтган даврда барча фаолият йўналишларини анча кенгайтди ва ўз мавқеини мустақамлаб олди. Чунончи, 1996 йил 1 январ ҳолатига банк активлари 4,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2006 йил 1 январга келиб бу рақам 49,7 млрд. сўмни ташкил этди. Кредитга берилган маблағлар 1996 йил 1 январда 1,3 млрд. сўм бўлган бўлса, 2006 йил 1 январ ҳолатига 25,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳозирги пайтда банкнинг умумий сармояси 7,6 млрд. сўмни, шу жумладан устав сармояси 5,8 млрд. сўмни ташкил қилади. Банкнинг сармояси ва ресурслари асосан савдо, пул-

ли хизматларни ривожлантириш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ва қишлоқ хўжалигига кредит беришни кенгайтиришга ишлатилмоқда.

Банк мижозлари савдо ва пулли хизматлар соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан, фермер хўжаликларидан, шунингдек енгил, озиқ-овқат саноати корхоналаридан иборат. Ҳозирги кунда улар сони 24 мингдан ошиб кетди.

Банкнинг асосий акциядорлари сирасига республиканинг йирик қўшма корхоналари киради ва унинг устав сармоясида давлат улуши йўқ.


“Савдогар” банки барқарор ривожланиб бораётганлиги сабабли, чет эл компанияси “R&D Express-Aussenhandels GMBH” (Германия) ушбу банк негизда қўшма банк ташкил этиб, унга 2 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритишга қизиқиш билдирди. Натижада, “Савдогар” банки чет эл сармояси иштирокидаги банкка айлантирилди ва унинг устав сармояси 5 млн. АҚШ доллари эквивалент миқдорга етказилди.

Германиянинг “R&D Express-Aussenhandels GMBH” компанияси 1994 йилдан бери ишлаб келмоқда. Тижорат ҳамда инвестициялар унинг асосий фаолият турларидир.

Эъзоз КАМОЛОВА.

SMS-BANKING – ЗАМОНАВИЙЛИК САРИ ҚАДАМ

Республикамиздаги йирик тижорат банкларидан бири – акциядорлик-тижорат «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг мижозлари кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Банк бугунги кун талабидан келиб чиқиб ўз мижозлари учун доимий равишда янги банк хизматларини тақлиф этиб келмоқда.



Хусусан, яқинда жорий этилган SMS-BANKING хизмати ҳам шулар жумласидандир. Эндиликда «Ўзсаноатқурилишбанк» мижози бўлган ҳар қандай шахс ўз тўлов пластик карточкасидаги қолдиқ суммани ҳеч қандай банкомат ёки терминалсиз ҳам билиб олиши мумкин. Бу хизмат тури мижозга ўзининг уяли телефони орқали пластик карточкадаги қолдиқ

суммани билишни, шу билан бирга ҳар бир амалга оширилган тўлов бўйича маълумотни SMS кўринишида олиш ҳамда амалга оширилган тўловларни назорат қилиб бориш имкониятини беради.

(Давоми 7-бетда).

БУ СОНДА:

2-5

Ислохотлар
йўлида:
Монетар сиёсатнинг
асосий йўналишлари

6-7

Аудит натижалари:
«Давр банк»,
«Самарқандбанк»

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 28 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)


1 Австралия доллари	856,08
1 Англия фунт стерлинги	2112,66
1 Дания кронаси	195,39
1 БАА дирҳами	329,74
1 АҚШ доллари	1210,00
1 Миср фунти	211,08
1 Исландия кронаси	16,56
1 Канада доллари	1035,78
1 Хитой юани	150,85
1 Кувайт динари	4143,55
1 Россия рубли	43,45
1 Украина гривнаси	239,60
100 Ливан фунти	80,61
1 Малайзия ринггити	327,78
1 Норвегия кронаси	182,73
1 Польша злотийси	374,83
1 Сингапур доллари	748,86
1 СДР	1735,89
1 Туркия лираси	904,88
1 Швеция кронаси	156,22
1 Швейцария франки	924,86
1 ЕВРО	1457,57
10 Жанубий Корея вони	12,38
10 Япония иенаси	103,68

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



АҚШ доллари ва евронинг ваколатан банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 28 март ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1220,00	1225,00	1458,14	1478,14
“Асака” банки	1220,00	1225,00	1470,00	1475,00
“Ўзсаноатқурилишбанк”и	1220,00	1225,00	1459,00	1480,00
“Пахта Банк”	1222,00	1225,00	1472,00	1475,00
“Халқ банк”и	1220,00	1225,00	1458,00	1472,00
“Ипотекабанк”	1220,00	1225,00	1460,00	1470,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1213,00	1217,00	1456,00	1466,00
“ЎзДЭУбанк”	1215,00	1225,00	1471,00	1481,00
“Фаллабанк”	1220,00	1225,00	1458,00	1477,00
“Трастбанк” АББ	1222,00	1225,00	1472,00	1482,00
“Алп Жамол банк”	1220,00	1225,00	1470,00	1476,00
“Алоқабанк”	1222,00	1225,00	1458,50	1480,50
“У-Т банк”	1223,00	1225,00	1460,00	1478,00
“Туронбанк”	1217,00	1222,00	1478,00	1483,00
“Равнақбанк”	1223,00	1225,00	1460,00	1465,00
“Савдогарбанк”	1220,00	1225,00	1462,73	1472,73
“Ипак йўли” банки	1220,00	1225,00	1469,62	1475,64
“Тадбиркорбанк”	1220,00	1223,00	1470,00	1473,00
“Туркистон” банк	1223,00	1225,00	1473,00	1476,00
“Даврбанк”	1221,00	1223,00	1470,00	1485,00
“Кредит-Стандарт” банки	1213,00	1220,00	1458,00	1475,00
“Капитал банк”	1223,00	1225,00	1457,60	1479,00
“Содерат банк”	1220,00	1225,00	1458,00	1478,00
“Хамкор” банк	1223,00	1225,00	1458,00	1478,00
“Универсалбанк”	1221,00	1225,00	1470,00	1475,00
“Парвинабанк”	1220,00	1222,00	1463,00	1473,00



МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ-КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ МАВЖУД ВАЗИЯТ ВА МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ 2006 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодийнинг барча тармоқларида: саноат тармоғида, қишлоқ хўжалигида,

тириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашга, 34,7 фоизи эса ишлаб чиқариш соҳаларига жумладан, турар жойлар ва таълим объектилари қурилишига сарфланди.

1-жадвал.

Иқтисодий тармоқлари	ЯИМдаги улуши, %		2004 йилга нисбатан реал ўсиш даражаси, %
	2004 й.	2005 й.	
ИҚТИСОДИЁТ БЎЙИЧА ЖАМИ	100,0	100,0	107,0
Товарлар ишлаб чиқариш	48,9	50,7	105,7
- Саноат	17,5	20,7	104,2
- Қишлоқ хўжалиги	26,4	25,0	106,2
- Қурилиш	4,8	4,9	107,8
- Бошқа тармоқлар	0,2	0,1	103,2
Хизматлар кўрсатиш	37,0	38,3	107,7
- Транспорт	10,2	11,3	113,1
- Савдо	9,6	9,2	108,5
- Бошқа кўрсатилган хизматлар	17,2	17,8	104,1
Экспорт-импорт операциялари ва маҳсулотга қўйилган соф солиқ даромадлари	14,1	11,0	109,3

қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўсиш кузатилди.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш ҳажмининг ошиши ЯИМ ўсишига ижобий таъсир этди. Қишлоқ хўжалигида янги кредитлаш механизмнинг, яъни тижорат банклари томонидан деҳқон-фермер хўжаликларини молиялаштиришнинг жорий этилиши, бу соҳада иқтисодий фаолликнинг ортишида муҳим омил бўлди. Бу эса 2005 йилда қишлоқ хўжалигида реал ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,2 фоизга ўсишига олиб келди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилди. Жумладан, 2006 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони 125,7 мингта ташкил этиб, ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан 21,7 мингтага кўпайди. Бу эса, ўз навбатида, ҳисобот даврида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг реал ўсиши 2005 йилда 4,2 фоизни ташкил этди, жумладан машина-созлик ва металл қайта ишлаш соҳасида 29,7 фоизга, қора металлургияда

иқтисодий тармоқлари

Инфляция. Республикада қатъий монетар сиёсатнинг юритилиши, шунингдек, пул агрегатларини бозор механизмлари орқали бошқариш ва уларни тартибга солиш, инфляция даражаси ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича қабул қилинган тезкор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида баҳолар ўсиши паст даражада бўлиши таъминланди.

Шу билан бирга, реал ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори суръатлар билан ўсиши ҳамда пул массасининг ЯИМга нисбатан мутаносиб равишда ошишининг таъминланиши истеъмол баҳолари индексининг белгиланган кўрсаткичлар доирасида бўлишида ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг берган расмий маълумотларига кўра, 2005 йилда инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида республикамизда 2003-2005 йиллар мобайнида инфляция даражасига монетар омиллар таъсири сезиларли даражада пасайгани ҳолда, номонетар ва ташқи иқтисодий омиллар жиддий таъсир кўрсатаётганлиги аниқланди. Инфляциянинг номонетар омиллари сифатида табиий монопол корхона ва ташкилотлар томонидан таклиф қилинаётган товар ва хизматлар нархларининг нисбатан тез ўсаётганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини аҳоли гажум жойларда ташкил қилиш ва ишлаб чиқаришдаги баъзи маъмурий тўсиқлар мавжудлиги, шуни кўрсатиш мумкин.

1-диаграмма.



8,3 фоизга, енгил саноатда 12,0 фоизга, озиқ-овқат тармоғида 11,2 фоизга, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда 11,0 фоизга ўсди. Ушбу даврда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизга, хусусан, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,3 фоизга ошди.

Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш юқори суръатларда, яъни 15,0 фоизга ўсиб, 1 609,7 млрд. сўмни ташкил этди. Хўжалик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг 74,3 фоизини нодавлат ташкилотлари ташкил этиб, унинг 44,6 фоизи хусусий корхоналар томонидан кўрсатилди.

Инвестиция ва қурилиш: асосий капитални кўпайтиришга йўналтирилган инвестиция ҳажми 2005 йилда 3 012,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,0 фоизга кўпидир. Инвестиция қилинган жами маблағларнинг 23,4 фоизини марказлаштирилган маблағлар ва 76,6 фоизини марказлашмаган маблағлар ташкил қилди.

Бу маблағларнинг 65,3 фоизи ишлаб чиқариш объектиларини қуриш, кенгай-

тириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашга, 34,7 фоизи эса ишлаб чиқариш соҳаларига жумладан, турар жойлар ва таълим объектилари қурилишига сарфланди.

Айниқса, мавсумий характерга эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг ўзгариши асосий номонетар омил бўлиб, у умумий баҳолар даражасига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, 2005 йилда республикада табиий монопол характерга эга бўлган, давлат томонидан тартибга солинадиган товар ва хизматлар нархлари (тарифлари), хусусан, уй-жой коммунал хизматлари ва жамоат транспорти хизматлари (тарифлари), бензин ва ёқилғи-мойлаш материаллари нархлари сезиларли ўсди.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, инфляция суръатлари пасайгани сайин пул массаси билан истеъмол баҳолари индексларининг қисқа муддатли ўзгаришлари орасидаги боғлиқлик ҳам пасаймоқда. Бу инфляция жараёнларининг шаклланишига, монетар агрегатлар динамикасига ҳамда пул бозоридаги талаб ва таклиф балансига боғлиқ бўлмаган таркибий (номонетар) омиллар таъсирининг кучайганлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун Марказий банкнинг бу борадаги асосий вазифаларидан бири, ушбу омиллар таъсирини етарли даражада баҳолаш ҳамда монетар сиёсатнинг қисқа муддатли мақсадларини ишлаб чиқишда уларнинг таъсирини ҳисобга олишдан иборат бўлди.

Марказий банк Иқтисодий вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда олиб борилган истеъмол нархлари мониторинги ва Ҳукумат билан биргаликда номонетар омилларнинг инфляцияга таъсирини камайтиришга қаратил-

ган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида инфляция даражасининг белгиланган прогноз параметрлар доирасида бўлиши таъминланди.

1.2. Тўлов баланси ва Давлат бюджети кўрсаткичлари

Тўлов баланси. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги тўлов баланси қулай макроиқтисодий конъюнктура, экспорт қилинаётган товарларга бўлган талабнинг ошиши, ташқи савдо балансининг ижобий бўлиши ва олтин-валюта захираларининг ўсишида ўз аксини топди.

Шунингдек, жаҳон бозорида республикамизнинг асосий экспорт товарлари ва хизматлари нархларининг мақбул ҳолда бўлиши ва Марказий банк томонидан валюта алмашув курсининг барқарор ҳолатда ушлаб турилиши, ўз навбатида, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини рағбатлантирган ҳолда экспорт қилинаётган товар ва хизматлар ҳажмининг ўсишига олиб келди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорида республикамизнинг асосий экспорт товарлари ҳисобланган пахта ва олтин нархларининг ўсиши экспорт ҳажми ва тўлов баланси қолдигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

Хусусан, 2005 йилда жаҳон бозорида 1 тонна пахта толасининг нархи 170 АҚШ

2-диаграмма.



долларига ошиб, 2006 йил 1 январ ҳолатига ушбу кўрсаткич 1211,4 АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, олтиннинг нархи ўртача 75 АҚШ долларга ошиб, 1 январ ҳолатига 1 трой унция учун 513 АҚШ долларига тенг бўлди. Бу эса республикамизда умумий экспорт ҳажмининг хусусан, олтинни сотишдан келадиган экспорт тушумининг кўпайишига ҳамда тўлов баланси ижобий қолдигининг янада ошишига олиб келди.

Марказий банк томонидан миллий валюта курсининг хорижий валюталарга нисбатан барқарор ушлаб турилиши ҳамда пул-кредит ва валюта сиёсати самарадорлигининг оширилиши ҳам тўлов балансининг ижобий ҳолатда бўлишига замин яратди.

Шунингдек, экспортнинг тобора ошиб бориши ҳисобига республикамизда олтин-валюта захираларининг миқдори ҳам сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Жумладан, унинг ҳажми 8 ойлик импортни қоплашга етарли миқдорда бўлишига эришилди.

2005 йилда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 9500,1 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, у ўтган 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 фоизга, шу жумладан, экспорт 11,5 фоизга, импорт 7,2 фоизга ўсди. Шунингдек, товарлар ва хизматлар экспортининг импортга нисбатан юқори суръатлар билан ўсиши натижасида экспорт ҳажми 5 408,8 млн. АҚШ долларини ва импорт ҳажми 4 091,3 млн. АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда савдо балансининг ижобий қолдиги 1 317,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Бу эса мамлакат олтин-валюта захираларининг барқарор ўсиб боришида муҳим омил бўлди.

Ушбу даврда жаҳоннинг 130 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдо операциялари амалга оширилди. Бунда Европа давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо операцияларининг жами ташқи савдо айланмасидаги салмоғи 57,3 фоизни, Осиё давлатлари

билан 38,2 фоизни, Америка қитъаси давлатлари билан 4,2 фоизни, Африка ва Австралия қитъаси давлатлари билан 0,3 фоизни ташкил этди.

Давлат бюджети - Марказий банк макроиқтисодий сиёсат самарадорлигини ошириш мақсадида монетар сиёсатни фискал сиёсат билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб боришни давом эттирди. Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йилга мўлжалланган кўрсаткичларига кўра, 2005 йил учун бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 1 фоиз миқдорида бўлиши ва бу тақчилликни қоплашни ноинфляция манбалардан амалга ошириш кўзда тутилган эди.

2005 йилда умумлаштирилган давлат бюджетининг даромад қисми ортиги билан бажарилиши ҳисобига унинг ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит бўлиши таъминланди.

2. ПУЛ-КРЕДИТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

2005 йилнинг ўтган даврида Марказий банк пул-кредит сиёсатини «Монетар сиёсатнинг 2005 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари», Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-кредит кўрсаткичлари ни тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПК-147 - сонли Қарорларига мувофиқ ҳолда амалга оширди.

2005 йилда Марказий банк томонидан олиб борилган пул-кредит сиёсати миллий валютанинг барқарорлигини, яъни инфляциянинг доимий паст даражада бўлишини таъминлаш ва шу билан бирга иқтисодийнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилди. Бунда йил бошида прогноз қилинган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга, шу жумладан, истеъмол товарлари нархлари индексининг 7-8 фоиз даражасида бўлиши ва ялпи ички маҳсулотнинг 7 фоизлик реал ўсишига эришиши вазифаларига асосланди.

Марказий банк пул таклифини бошқаришни соф ички активлар ва халқаро резервлар динамикаси, шунингдек, пул-кредит сиёсати воситаларидан фойдаланган ҳолда ва банк тизими ликвидлигиндан келиб чиққан ҳолда захира пуллари миқдорини тартибга солиш орқали амалга оширди.

2005 йилда монетар сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментларидан кенг фойдаланган ҳолда пул таклифи ўсишининг асосий манбаси бўлган олтин-валюта захираларининг ошиши ҳисобига муомалага чиқарилган пул массаси ҳажмини бошқариш чораларини кўриб борди.

2005 йилда Марказий банк тижорат банклари ликвидлигини мониторинг қилиш ва бошқариш мақсадида пул-кредит сиёсатининг бозор инструментларини амалда кенг қўллаб борди, жумладан тижорат банкларининг ортиқча ликвид маблағларини депозитларга жалб қилиш, ўзининг облигациялари ва Давлат қимматли қоғозлари билан бўладиган операциялар ҳажмини кенгайтириш, мажбурий захира талаблари меъёрларини ўзгариши каби тезкор чора-тадбирларни амалга ошириб борди.

Марказий банк томонидан пул-кредит соҳасида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда пул агрегатлари белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида, яъни пул массасининг ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига мувофиқлиги таъминланди.

Марказий банк томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар сўнгги йилларда истеъмол товарлари нархларини сезиларли даражада пасайтириш

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида
рўйхатга олинган
N 1146
2006 йил 21 феврал

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ҚАРОРИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА
КЎМАКЛАШУВЧИ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН
ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ
ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Савдо-саноат палатасининг "Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом"ни тасдиқлаш тўғрисидаги (рўйхат рақами 1146, 2002 йил 3 июн, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 11-12-сон, 2002 йил, июн) 2002 йил 10 майдаги 23, 59, 2-09/3, 217-В, 324-сонли қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига "Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш

тартиби тўғрисидаги Низом"ни (рўйхат рақами 1146, 2002 йил 3 июн) давлат рўйхатидан чиқариш учун тақдим этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**
Тошкент ш.
31 декабр 2005 йил

О. ОБИДОВ

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири**
Тошкент ш.
31 декабр 2005 йил

Р. АЗИМОВ

**Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазири**
Тошкент ш.
31 декабр 2005 йил

В. ГОЛИШЕВ

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси**
Тошкент ш.
31 декабр 2005 йил

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

**Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси в.в.б.**
Тошкент ш.
31 декабр 2005 й.

Н. ҚОСИМОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ҚАРОРИ**

2004 йил 27 ноябр

N 25/9

Тошкент ш.

**"ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТЛАРНИНГ
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ"НИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ва "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтер-

рия ҳисоби тартиби тўғрисида Низом" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

Марказий банк Раиси

Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаларига (МХХА) асосланган ва у тижорат банклари (кейинги матнда - банклар) томонидан кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаларига мувофиқ (кейинги матнда - МХХА) юритиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Банкларнинг активлари бўлган кредитлар Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 632, 1999 йил 11 феврал) талабларига мувофиқ таснифланади.

Фоишларни ўстирмаслик мақоми берилган кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январ)га мувофиқ амалга оширилади.

Фоишларни ҳисоблаш, кредитлар бўйича ундирилмаган фоишларни бекор қилиш ҳам инobatга олинган ҳолда "Тижорат банкларида фоишларни ҳисоблаш тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январ)га мувофиқ амалга оширилади.

II. Тушунчалар

2. Ушбу Низом мақсадида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Кредитлар ва олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари - фаол бозорда котировка қилинмайдиган, улар бўйича тўловлар олдиндан белгиланган ёки ўрнатилган ноҳосилавий молиявий активлар бўлиб, уларга қуйидагилар кирмайди:

1) банк зудлик билан ёки яқин келажакда сотмоқчи бўлган, ва шу сабабли сотишга мўлжалланган деб таснифланиши лозим бўлган, ёки дастлабки тан олишда сотиб олиш ва сотиш учун деб таснифланган молиявий активлар;

2) банк томонидан дастлабки тан олинишида сотиш учун мавжуд деб таснифланган активлар;

3) эгаси ўзининг бошланғич инвестицияси суммасини амалда ундириб ололмайдиган активлар, лекин активлар сотиш учун мавжуд деб таснифланиши лозим бўлган тақдирда, кредитнинг қадрсизланиш ҳолатлари бундан истисно.

Реал фоиш ставка усули - активнинг (мажбуриятнинг) хизмат муддати давомидаги кечиктирилган (масалан, ҳар ойда эмас, ҳар йилда олинмайдиган ёки тўланадиган) фоишли тўловларга тақсимлаш орқали дисконт ёки мукофотни фоишли даромадга (ёки харажатга) амортизациялаш йўли билан доимий фоиш ставкасини тан олинишига олиб келадиган усулдир;

Реал фоиш ставкаси - молиявий активнинг мўлжалланган хизмат муддати давомида ёки мақбул бўлган ҳолда, қисқароқ даврда кутилаётган келгуси пул тўловлари ёки тушумлари оқимларини унинг соф баланс қийматигача аниқ дисконтлайдиган ставка;

Қадрсизланишдан кўриладиган (ёки кўрилиши мумкин бўлган) зарар - кредитнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ошиб кетган сумма.

Бу қарздор кредитни тўлиқ суммаси (асосий қарз ва фоишлар)ни қайтараолмаслигини ва банк зарар кўришига келтириши мумкинлигини билдиради.

Қопланадиган қиймат - кредитнинг баланс қиймати ва кредитнинг дастлабки реал фоиш ставкаси бўйича дисконтлашдан кутилаётган пул оқимларининг жорий қийматидан энг каттаси.

III. Дастлабки тан олиш

3. Банк томонидан берилган кредит амалдаги қийматида акс эттирилади ва у қарздорга берилган пул маблағлари суммасини ифодалайди. Банк томонидан кредит берилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 11900-15500 (тегишли ссуда ҳисобварағи)

Кт 10301 - "Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи - Ностро" (агар маблағ олувчига бошқа тижорат банки томонидан хизмат кўрсатилса), ёки

Кт - маблағ олувчининг талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобварағи (агар маблағ олувчига мазкур банкда хизмат кўрсатилса) ёки

Кт - 10100 - "Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари" (кредит нақд пулда берилганда).

3. Кредит бериш муносабати билан банк томонидан олинадиган воситачилик ҳақи қарздорнинг молиявий аҳволини ва инвестиция лойиҳаларини қоплашини баҳолаш, кафолатларни баҳолаш ва акс эттириш, гаров ва бошқа таъминотларни ташкиллаштириш бўйича тадбирлар, ҳужжатларни тайёрлаш ва улар билан ишлаш ҳамда битимни яқунлаш билан боғлиқ банк харажатлари компенсациясини ўз ичига олади. Шу каби воситачилик ҳақлари кредит бериш ва келгусида кредит муносабатларида қатнашишнинг ажралмас қисми бўлиб ва уларга тегишли тўғридан-тўғри харажатлар билан биргаликда, муддати узайтирилади ва реал даромадни тузатиш (корректировка қилиш) сифатида тан олинади. Бундан ташқари, банклар кредит бериш борасида ёзма мажбурият учун воситачилик ҳақи олишлари мумкин.

4. Банклар томонидан мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган хизматлари учун потенциал қарз олувчилардан воситачилик ҳақи олинаётганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - Қарз олувчининг талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобварағи

Кт - 22896 "Бошқа муддати узайтирилган даромадлар"

6. Кредит бериш тўғрисидаги ёзма мажбурият бергани учун олинган воситачилик даромадлари, кредит шартномасини тузиши эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирда, банкнинг кредит бериш жараёнида доимий иштирок этганлиги учун тўлов (компенсация) сифатида қаралади. Банк томонидан олинган воситачилик даромадларининг муддати, улар билан боғлиқ бевосита харажатлар билан биргаликда узайтирилади ва улар реал даромадга тузатишлар (корректировка) сифатида тан олинади.

Агар кредит бериш бўйича мажбурият муддати тугаб, кредит талаб қилиб олинмаган бўлса, у ҳолда кредит бериш мажбурияти учун воситачилик ҳақи шу муддат тугагандан кейин даромад сифатида тан олинади (1-сонли Илова).

7. Бозорда кредит шартномасида белгиланганидан

кўра юқориқроқ фоиз ставкаси шаклланганлиги муносабати билан банк ва қарздор ўртасида қарздор томонидан банкка фоиз ставкасининг ошганига альтернатива сифатида муайян комиссия (тўлов) тўланиши тўғрисида келишувга эришилган тақдирда, ушбу тўлов кредит муддати давомида тўланиши лозим бўлади, яъни муддати кечиктирилади ва реал даромадни тузатилиши (корректировкаси) сифатида тан олинади.

8. Қарздор томонидан кредит муддатидан олдин қайтарилса ёки кредитдан қайтариш муддатидан олдин бошқа шахс фойдасига воз кечилса, банк шу билан боғлиқ ҳар қандай кечиктирилган воситачилик ҳақини кредит қайтарилган ёки бошқа шахс фойдасига воз кечилган санасига даромад сифатида тан олади.

IV. Кредитнинг қадрсизланиши

9. Баланс ҳисоботини ҳар бир тузиш санасига (ҳар ойда) банк томонидан кредитларнинг қадрсизланишига доир бирон-бир объектив далиллар мавжудлиги "Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами №632, 11 феврал 1999 йил) ва "Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами 1304, 24 январ 2004 йил) ҳамда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ баҳоланади.

10. Кредит қадрсизланишини тасдиқловчи объектив далиллар ва шароитлар аниқланган тақдирда, зарар суммаси қуйидаги икки миқдордан энг юқориси бўйича баҳоланади:

1) "Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами №632, 11 феврал 1999 йил)га мувофиқ аниқланган сумма бўйича; ёки

2) Кредитнинг баланс қиймати ва кредитнинг бошланғич фоиз ставкаси бўйича дисконтланган кутилаётган бўлажак пул оқимларининг жорий қиймати ўртасидаги фарқ бўйича;

11. Банк кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳоланиши қуйидагича акс эттиради:

Дт 56802- "Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"

Кт - Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси -Кредитнинг мос категорияси (контр - актив)

12. Агар кредит портфелининг кейинги таҳлили натижасида унинг захиралари мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган талаблардан ошса, банк захира суммасини охириги сана ҳолати бўйича аниқланган, кўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммасига мувофиқлаштириши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - Кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси - Кредитнинг мос категорияси (контр - актив)

Кт 56802- "Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"

13. Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш аввал кредит қайси валютада берилган бўлса, ўша валютада амалга оширилади. Шу тарзда, биринчи навбатда, кутилаётган ҳар қандай зарарларни баҳолаш чет эл валютасида амалга оширилади, кейин бу сумма Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида акс эттирилади.

14. Кредитларни қайтарилиши қарз олувчининг асосий, шунингдек иккиламчи талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақларидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дт- Қарз олувчининг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи

Кт - Ссуда ҳисобварағи

Агар кредит кафолат берувчи (кафил) томонидан қайтарилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - Кафолат берувчи (кафил) талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи, ёки

Дт 10301 - Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи - Ностро (агар олувчига бошқа тижорат банки хизмат кўрсатса)

Кт - Ссуда ҳисобварағи

Кредитлар қарз олувчи томонидан нақд пулда қайтарилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10100 - "Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари"

Кт - Ссуда ҳисобварағи

15. Агар кредитга фоиз ўстирмаслик мақоми берилмаган бўлса, унда кредитлар бўйича фоизлар тушуми қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дт- Қарз олувчининг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи

Кт 16309 - "Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар" Фоизларни ўстирмаслик мақоми берилган кредитлар бўйича фоизлар ҳисоби Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январ)га мувофиқ амалга оширилади.

16. Агар қарздор томонидан олинган гаров билан таъминланмаган кредит қайтарилмаса ёки тўлиқ қайтарилмаса, у ҳолда ушбу кредитлар зарарлар учун ташкил қилинган захира ҳисобига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобдан чиқарилади:

Дт - Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси — Кредитнинг мос категорияси (контр-актив)

Кт - Ссуда ҳисобварағи

17. Агар қарздор томонидан олинган гаров билан таъминланган кредит қайтарилмаса ёки тўлиқ қайтарилмаса, у ҳолда банк олинган кредитни гаровга қўйилган мол-мулк орқали ундириш ҳуқуқига эга. Ундириб олиш бўйича гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан маблағлар келиб тушганда: Дт 10301- Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи - Ностро - дебетланади ва Кт 29801 "Мижозлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредитланади.

Кредитлар бўйича асосий қарзни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизларни қайтариш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

а) Асосий қарз қайтарилганда:

Дт 29801 "Мижозлар билан ҳисоб-китоблар"

Кт - Ссуда ҳисобварағи.

б) Асосий қарз тўлиқ қайтарилгандан кейин, фоизлар қайтарилаётганда:

Дт 29801 "Мижозлар билан ҳисоб-китоблар"

Кт 41400-44600 - Кредитлар бўйича фоиз даромадлари

18. Олинган кредит гаровга олинган мол-мулкни ўз эгаллигига олиш йўли билан қайтарилган тақдирда, кредитнинг баланс қийматидан ва гаровга қўйилган мол-мулкнинг ҳаққоний қийматидан қайси бири энг кам бўлса, ўша қиймат бўйича, уни сотиш бўйича қилинган харажатларни чегирган ҳолда, лекин қайта савдодаги дастлабки сотув баҳосидан 10% кам бўлмаган суммада қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 16701 - "Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк"

Кт - Ссуда ҳисобварағи

19. Қарздор етарли даражада пул маблағларига эга бўлмаган тақдирда, банк кредит бўйича қарзни қарздорнинг ликвид мол-мулки ҳисобидан унинг розилиги билан, агар қарздор норози бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд қарори асосида ундирувни қарздорнинг ликвид мол-мулкига қаратиш йўли билан қайтариб олади.

Кредитлар бўйича асосий қарз ва ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизлар қарздорнинг ликвид мол-мулкини сотишдан тушган маблағлар ҳисобига қайтарилганда, мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

20. Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захирасидан фойдаланиш "Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами №632, 11 феврал 1999 йил)га мувофиқ амалга оширилади.

V. Молиявий ҳисоботни очиш

21. Молиявий ҳисоботга изоҳларида банклар қуйидагиларни очишлари зарур:

1) кредитларни умидсиз деб тан олиш ва уларни ҳисобдан чиқариш учун сабаб бўлган асосларни изоҳловчи ҳисоб сиёсатини;

2) қуйидагиларни алоҳида кўрсатган ҳолда: "Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш" ҳисобварағи бўйича ўзгаришларни, ундириб олинмайдиган кредитлар бўйича кўрилган зарарларга тегишли шу давр харажатлари сифатида тан олинган суммани, ҳисобдан чиқарилган кредитлар бўйича шу даврда ундирилган суммани ва илгари ҳисобдан чиқарилган кредитни қайтарилиши натижасида шу даврда кирим қилинган даромадлар суммасини;

3) ҳисобот санасига кредитлар бўйича баҳоланган жами зарарлар суммаси;

4) фоизларни ўстирмаслик мақоми берилган кредитларга тегишли баланс ҳисоботида киритилган жами сумма, шунингдек бундай кредитларнинг баланс қийматини аниқлаш асослари.

22. Бундан ташқари, банклар ўз кредитларининг минтақалар, мижозлар гуруҳлари ёки саноат тармоқлари, чет эл валютаси турлари бўйича ҳар қандай муҳим концентрациясини ва кредит хатарларини таснифловчи бошқа ҳоллар бўйича очиб беришлари лозим.

Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Низомга 1-сонли Илова

Воситачилик ҳақини кредит бўйича реал даромаднинг қисми сифатида акс эттириш бўйича мисол

Кредит беришни тайёрлаш учун воситачилик ҳақи, шунингдек, кредит бериш тўғрисида мажбурият учун воситачилик ҳақи (кредит бериш тўғрисида мажбуриятнинг амал қилиш даврида берилган кредитлар бўйича), кредит бўйича даромадларни тузатиш (котировка) сифатида тан олинади. Қуйидаги келтирилган мисолда, кредит бериш мажбурияти учун воситачилик ҳақи кўриб чиқилган. Ушбу методология кредит беришни тайёрлаш учун воситачилик ҳақига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Мисол: Банк 10 млн. сўм миқдорда кредит бериш мажбуриятини олган. Ушбу банк кредит бериш тўғрисида мажбурият учун кредитнинг умумий суммасидан 4 фоиз миқдорида (қайтариб берилмайдиган) воситачилик ҳақини олади, ва ушбу мажбуриятнинг амал қилиш муддати 3 ойни ташкил этади. Кредит бўйича фоиз ставкаси (йиллик) 15%ни ташкил этади, бунда фоиз тўловлари ҳар ой амалга оширилиши лозим. 10 млн. сўм миқдоридаги асосий қарз суммаси икки йил тугагандан кейин қайтарилиши лозим. Банк унинг кредит бериш мажбурияти амал қиладиган уч ой муддат давомида мижоз томонидан кредит олиш учун мурожаат қилинишини кутади.

Дт - Қарз олувчининг талаб қилиб олгунгача депозит ҳисобварағи	400.000	
Кт 22896 - "Бошқа муддати узайтирилган даромадлар"		400.000

Воситачилик ҳақи суммаси = 10.000.000 x 4% = 400 000
Ойлик фоизлар = 10 млн. x 15%/12 = 125 000

Мажбуриятлар учун воситачилик ҳақини олиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси:

Агар кредит мажбуриятномаси муддати кредит тақдим этилмасдан тугаса:

Кт 45237 - "Кредит мажбуриятлари бўйича кўрсатил-

Дт 22896 - "Бошқа муддати узайтирилган даромадлар" 400.000	400.000	
Кт 45237 - "Кредит мажбуриятлари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар"		400.000

ган хизматлар учун олинган даромадлар" 00.000
(а) Агар банк томонидан кредит бериш бўйича мажбурияти бажарилаётган бўлса, у ҳолда муддати узайтирилган даромадлар кредитнинг амал қилиш муддати давомида даромадни тузатиш сифатида реал фоиз ставкаси усулини қўллаган тарзда амортизацияланади. Воситачилик ҳақи моҳиятига кўра кредит бўйича даромадларни мувофиқлаштиради деб асосланганда, кредит бўйича амалдаги ички даромадлик ставкаси 15%га тенг бўлган кўрсатилган фоиз ставкасининг кўрсаткичини эмас, балки 17.3473%ни ташкил этади. Операция моҳиятини янада аниқроқ акс эттириш учун муддати узайтирилган воситачилик ҳақини амортизациялаш учун кредит "воситачилик даромадлари"га эмас, балки "фоизли даромадлар"га тааллуқли бўлиши керак.

Муддати узайтирилган воситачилик ҳақининг амортизацияси жадвали¹

Давр	Пул кўринишидаги олинган фоизлар	Фоизли даромад	Муддати узайтирилган воситачилик даромадларининг амортизацияси
1	125.000	144.561	19.561
2	125.000	139.061	14.061
3	125.000	139.265	14.265
4	125.000	139.471	14.471
5	125.000	139.680	14.680
6	125.000	139.892	14.892
7	125.000	140.107	15.107
8	125.000	140.326	15.326
9	125.000	140.547	15.547
10	125.000	140.772	15.772
11	125.000	141.000	16.000
12	125.000	141.231	16.231
13	125.000	141.466	16.466
14	125.000	141.704	16.704
15	125.000	141.946	16.946
16	125.000	142.191	17.191
17	125.000	142.439	17.439
18	125.000	142.691	17.691
19	125.000	142.947	17.947
20	125.000	143.206	18.206
21	125.000	143.470	18.470
22	125.000	143.737	18.737
23	125.000	144.007	19.007
24	125.000	144.282	19.282
		3.400.000	400.000

¹ "Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январ)га 6-сонли Илова

1-ой учун воситачалик даромади куйидаги тартибда тан олинади:

Дт 22896 - Бошқа муддати узайтирилган даромадлар	19.561	
Кт - Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи	125.000	
Кт 41400-44600 - Кредитлар бўйича фоизли даромадлар		144.561

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида
рўйхатга олинган
№ 1362
2006 йил 21 феврал

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
Қ А Р О Р И

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ ТАДБИРКОРБАНКНИНГ КРЕДИТ
ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК
БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА ДАСТЛАБКИ (БОШЛАНҒИЧ) САРМОЯНИ
ШАКЛЛАНТИРИШГА КРЕДИТ БЕРИШ ҲАМДА ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИ
ТОМОНИДАН ЛИЗИНГНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг "Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом"ни (рўйхат рақами 1362, 2004 йил 20 май, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 20-сон, 2004 йил, май, 244-модда) тасдиқлаш тўғрисидаги 2004 йил 13 мартдаги 247-В, 45, 01/06-03-сонли қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига "Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бош-

ланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом"ни (рўйхат рақами 1362, 2004 йил 20 май) давлат рўйхатидан чиқариш учун тақдим этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раиси
Тошкент ш.
31 декабр 2005 йил

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири
Тошкент ш.
31 декабр 2005 йил

Р. АЗИМОВ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси
Тошкент ш.
31 декабр 2005 й.

М. АСҚАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

2006 йил 17 январ

№ 1-А/2

Тошкент ш.

"МАРКАЗИЙ БАНК ЭЛЕКТРОН ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТЛАРНИ
МУҲОФАЗАЛАШ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ
ТЎҒРИСИДА"ГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

"Электрон тўловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан "Марказий банк электрон тизимларида ахборотларни муҳофазалаш ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Низом лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Бошқарув

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Марказий банк электрон тизимларида ахборот-

ларни муҳофазалаш ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти (Х. Нурмуротов) Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари ҳамда Худудий Бош бошқармаларига ва Ахборотлаштириш Бош марказига ушбу Низомни ижро учун юборилишини таъминласин.

3. Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари ҳамда Худудий Бош бошқармалари раҳбарлари ва' Ахборотлаштириш Бош маркази раҳбари электрон тизимларда ахборотларни муҳофазалашни ушбу Низом талаблари асосида юритилишини таъминласинлар.

4. Марказий банк Бошқарувининг 1999 йил 25 декабрдаги "Ахборот муҳофазасига тегишли меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 22/16-сонли Қарори билан тасдиқланган 457-сонли

"Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг Худудий бўлимларида Автоматлаштирилган Электрон тўлов тизимида (АЭТТ) ахборот муҳофазаси бўйича технологик Йўриқнома" ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Раис ўринбосари А.В. Акмалов зиммасига юклатилсин.

Марказий банк Раиси

Ф.М. МУЛЛАЖОНОВ

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Бошқаруви томонидан
"ТАСДИҚЛАНГАН"
2006 йил 17 январдаги
1-А/2 сонли қарори
№ 633**

МАРКАЗИЙ БАНК ЭЛЕКТРОН ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТЛАРНИ МУҲОФАЗАЛАШ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Архивлар тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Банк сири тўғрисида"ги ва "Электрон тўловлар тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Марказий банк электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг ҳамда мансабдор шахслар ва масъул ходимлар жавобгарликларининг умумий тартибини белгилайди.

I. Умумий бўлим

1. Ушбу низомда қуйидаги қисқартма сўзлар ишлатилади:

АБМ - Ахборотлаштириш Бош маркази;

ХККМ - Ҳисоб-китоб касса маркази;

БДМАБ - Банк депозиторлари миллий ахборот базаси.

2. Ушбу Низом Марказий банк Аппарати, Худудий Бош бошқармалар, Ҳисоб-китоб-касса марказлари ва ахборотлаштириш Бош Маркази мансабдор шахслари ва масъул ходимларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Марказий банк электрон тизимлари фойдаланувчиларига қуйидагилар киради:

Марказий банк департаментлари ва мустақил бошқармалари;

Марказий банк Худудий Бош бошқармаларининг бўлимлари:

АБМ Ҳисоб маркази;

АБМ Телекоммуникация бўлими;

ХККМ;

Республика тижорат банклари;

Республика вазирлик ва идоралари.

II. Республика вазирлик ва идоралари билан ишлашда ахборот муҳофазаси

4. Республика вазирлик ва идоралари Марказий банк электрон тизимларидан фойдаланишлари Марказий банкнинг ахборотлаштириш ишларини мувофиқлаштирувчи Раис ўринбосари рухсати орқали амалга оширилади.

5. Ахборотлаштириш Бош маркази Банк телекоммуникация тармоғидаги қурилмаларда тегишли созлаш ишларини бажариб, ахборот алмашинуви имкониятини яратади.

6. Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти Республика вазирлик ва идораларининг Марказий банк электрон тизимлари ресурсларидан фойдаланишлари учун уларни аниқ танилиш (аутентификация) ва маълумотларни шифрлаш, зарур ҳолларда

маълумотларга электрон имзо қўйиш масалаларини ҳал этади.

7. Республика вазирлик ва идоралари билан Марказий банк ўртасида ахборот алмашинуви муҳофазаланган SSL (Secure Sockets Layer) протоколи ёрдамида амалга оширилади.

8. Электрон тизими администраторлари ресурслардан белгиланган даражада фойдаланиш учун рухсат берадилар.

III. Тижорат банклари билан ишлашда ахборот муҳофазаси

9. Марказий банкнинг локал ҳисоблаш тармоғига Банк телекоммуникация тармоғи орқали салбий таъсирларни чегаралаш мақсадида Firewall (файрвол-тармоқ, филтри) ахборот муҳофазаси қурилмалари ўрнатилади.

10. Марказий банкнинг локал ҳисоблаш тармоғи ҳамда Банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширилган барча ахборот алмашинуви жараёнлари автоматик тарзда электрон протоколга ёзиб борилиши шарт.

11. Тижорат банклари Банк телекоммуникация тармоғидан фойдаланувчилари ҳисобланиб, Марказий банкка ахборот узатишлари ҳамда Марказий банкдан ахборот олишлари учун идентификация ва аутентификация текширувларидан ўтадилар. Идентификация ва аутентификация текширувлари iKey, Touch Memory қурилмаларига ёзилган махсус кодлар орқали амалга оширилади. Барча электрон ҳужжатлар (электрон тўлов ва бошқа электрон маълумотлар) криптографик тунел (шифрланган тармоқ) орқали узатилади.

12. Электрон тўлов маълумотлари (амалдаги электрон тўлов ҳужжати файлида "On line" тизимига ўтилгач, тасдиқланган тузилмадаги файл кўринишида) электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда Марказий банк АБМ Ҳисоб марказида қайта ишлашга қабул қилинади.

IV. Марказий банк департаментлари ва мустақил бошқармаларида ахборот муҳофазаси

13. Марказий банк департаментлари ва мустақил бошқармаларининг компьютерлари алоҳида виртуал локал тармоқларда (vlan) ташкил этиладилар.

14. Марказий банк департаментлари ва мустақил бошқармалари Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти билан келишган ҳолда электрон тизим ресурсларидан фойдаланишлари учун Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қиладилар.

15. Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти Ахборотлаштириш Бош марказига электрон тизим ресурсларидан фойдаланиш даражасини белгилаган ҳолда фойдаланишни амалга ошириш учун рухсат беради.

16. Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти электрон тизимлардан фойдаланишда аниқ танилиш (аутентификация), ахборотларни шифрлаш ва электрон имзодан фойдаланилган ҳолда ахборот алмашинувини амалга оширади.

17. Ахборотлаштириш Бош маркази электрон тизимлардаги серверлар ресурсларидан чегараланган ҳолда фойдаланишга имконият яратади.

18. Ҳар бир фойдаланувчи ўзига юклатилган вазифалар даражасида электрон тизимлардан тўғри фойдаланиш учун жавобгар.

19. Марказий банк департаментлари ва мустақил бошқармалари компьютерларидаги банк сири ва конфиденциал маълумотларни локал ҳисоблаш тармоқлардан кўриш имконияти чекланган бўлиши керак ҳамда ушбу компьютердан бошланғич фойдаланиш (ёқилганда) парол орқали кириш амалга оширилиши шарт.

V. Марказий банк Худудий Бош бошқармаларида ахборот муҳофазаси

20. Марказий банк Худудий Бош бошқармаларининг бошқармалари ва бўлимларида алоҳида виртуал локал ҳисоблаш тармоқлари ташкил этилади.

21. Марказий банк электрон тизимлар ресурсларидан фойдаланиш учун Марказий банк Худудий Бош бошқармалари бошлиқлари Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига белгиланган тартибда муурожаат қиладилар.

22. Марказий банк Худудий Бош бошқармалари бошлиқлари ўзларининг электрон тизимлари ресурсларидан фойдаланиш учун рухсат берадилар.

23. Марказий банк Худудий Бош бошқармалари Ахборотни муҳофаза қилиш шўъбалари электрон тизимлар ресурсларидан фойдаланиш назоратини олиб борадилар.

VI. Марказий банк "Криптомаркази"да ахборот муҳофазаси

24. Марказий банк "Криптомаркази"да ахборот муҳофазаси Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти томонидан ташкил этилади.

25. Марказий банк "Криптомаркази" электрон тизимларда маълумотларни шифрлаш, шифрдан очиш, электрон имзо билан таъминлаш, электрон имзосини текшириш ҳамда тизимга киришда текшириш ва рухсат бериш вазифаларини ўз вақтида, узлуксиз бажарилишини таъминлаши лозим.

26. Марказий банк "Криптомаркази"да ўз сервер ва дастурлар администраторлари тайинланиб, улар Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти директори кўрсатмасига асосан электрон тизимлар фойдаланувчиларига ресурслардан чегараланган ҳолда фойдаланиш имкониятини яратади.

27. Марказий банк "Криптомаркази"да электрон тизимлар ресурсларидан фойдаланиш рухсати берилиши билан боғлиқ ҳужжатлар йиғма жилди сақланади.

28. Барча кирувчи ва чиқувчи электрон ҳужжатлар, ахборот қабул қилинганлиги ва узатилганлиги тўғрисидаги умумий файллар сони ва электрон протоколларни (Log файлларни) масъул ходим ҳар куни архивга олиши ва электрон архивни қайд этувчи махсус дафтарга ёзиши шарт. Электрон архив маълумотларини сақлаш муддати 10 йил.

29. Электрон рақамли имзо калитлари ва "Криптомарказ"да қўлланилувчи дастурлар ўзгариш бўлган

ҳолатларда электрон архивга олинади.

30. "Криптомарказ"да фавқулодда ҳолатларда ишни қайта тиклаш учун серверларда Backup архиви (мавжуд маълумотлар ва сошлаш ҳолатларини сақлаш) ишлари амалга оширилади.

31. "Криптомарказ"да кўзда тутилмаган ҳолатлар учун дафтар юритилади. Бу дафтарда серверларни ёқиб-ўчириш (перезагрузка), электрон калитларни алмаштириш, сошлаш ишларини бажариш ва бошқа ҳолатлар қайд этилади.

VII. АБМ Ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида ахборот муҳофазаси

32. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи ва тегишли мутахассислари ўз мансаб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электрон тўлов маълумотларини ўз вақтида, белгиланган тартибда, бетўхтов ишлов берилишини таъминлайди.

33. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида электрон архив юритувчи жавобгар ходим буйруқ асосида тайинланиб, ҳар куни банк амалиёт куни якунида белгиланган тартибда маълумотларни электрон архивга олади.

34. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида банк амалиёт куни якунида Ҳисоб маркази ва Электрон почта бўлимида қайта ишланган (қабул қилинган) электрон тўловлар тўғрисида электрон маълумотлар тайёрланиб, Криптомарказга узатилади ва Криптомарказдан олинган электрон маълумотлар билан солиштирилади.

35. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлими компьютерлари бошқа бўлим компьютерларидан алоҳида мантиқий (VLAN – виртуал тармоқ ташкил этилган ҳолда) ажратилган бўлиши лозим.

36. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимининг Oracle маълумотлар базасига бошқа бўлимлар локал ҳисоблаш тармоғидан тўғридан-тўғри кириш имконияти тўлиқ чегараланган бўлиши шарт.

37. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида жойлашган WEB серверга кирувчилар қатъий равишда аутентификация текшируви (iKey, Touch Memory ёки бошқа махсус калит) орқали киришга рухсат этилади.

38. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимининг серверлари жойлашган хоналар кодли қулф билан жиҳозланган ва хонага кирувчилар рўйхати раҳбарият томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

39. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимининг маълумотлар базаси администратори буйруқ асосида тайинланади. Маълумотлар базаси администратори раҳбариятнинг ёзма кўрсатмасига кўра маълумотлар базаси фойдаланувчиларини ишлашга рухсат этади ва уларнинг ишлаш ҳуқуқларининг (чегарасини) белгилаб беради.

40. Тизимга кириб-чиқиш амалиётлари электрон журнал-баённомаларда қайд этилиши керак.

41. АБМ тармоқ администратори томонидан Марказий банк электрон тўлов тизими фойдаланувчиларининг ишлашларига, АБМ маълумотлар базаси администратори ушбу фойдаланувчиларнинг тегишли маълумотларга ва улар билан тегишли амалиёт бажаришлари учун Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти билан келишилган ҳолда, АБМ раҳбариятининг ёзма кўрсатмасига асосан рухсат беради. АБМ раҳбариятининг ёзма кўрсатмалари йиғиб борилиб, йил охирида умумлаштирилади. Марказий банк электрон тўлов тизимидан фойдаланувчилар рўйхати буйруқ билан тасдиқланади. Маълумотлар базаси билан ишловчилар рўйхати Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаментига тақдим қилинади.



42. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимнинг серверлари дастур ва бошқа электрон маълумотларни рухсатсиз ўзгартиришдан муҳофазаловчи ахборот муҳофазаси дастурлари билан жиҳозланади.

43. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида доимий равишда антивирус дастури орқали барча кирувчи-чиқувчи маълумотлар текшириб турилиши шарт.

44. Ахборот муҳофазаси алоҳида хоналарда жойлаштирилган серверлар ва қурилмалар ёрдамида ташкил этилади.

VIII. АБМ маълумотларни узатиш тармоғи бўлимида ахборот муҳофазаси

45. АБМ телекоммуникация бўлими Банк телекоммуникация тармоғидаги ускуна ва қурилмаларнинг бе-нуқсон ишлашини, маълумотларни узатилишида ушланиб қолмаслигини таъминлайди.

46. Банк телекоммуникация тармоғини бошқарувчи ва ёрдамчи амалларни бажарувчи компьютерларига Банк телекоммуникация тармоғидан фойдаланувчилар (тижорат банклари ва бошқалар) ҳамда Марказий банкнинг локал ҳисоблаш тармоғи компьютерларидан кириш имконияти бўлмаслиги таъминланган бўлиши керак.

47. АБМ маълумотларни узатиш тармоғи ва маълумотларни узатиш тармоғига хизмат кўрсатиш бўлимлари томонидан Банк телекоммуникация тармоғи фойдаланувчиларини тармоққа улаш, тармоқдаги йўналиш (маршрутизация) имкониятларини белгилаш, тармоқдан ўчириш ишлари фойдаланувчиларни ёзма хатларига АБМ раҳбариятининг чиқарган қарорига асосан амалга оширилади. Барча хатлар йиғма жилдда йиғилиб борилади. Йил бошида тармоқ фойдаланувчилари тўғрисидаги жадвал тузилиб, АБМ раҳбарияти тасдиғидан ўтказилади ва эски йилдаги қарор билан тасдиқланган хатлар архивга топширилади.

48. АБМ телекоммуникация бўлимида тармоқ фойдаланувчиларининг алмашилган ахборотлари ҳажмлари ҳисоби юритилади.

49. АБМ телекоммуникация бўлими администраторининг компютери рухсатсиз киришдан муҳофазаловчи аппарат-дастурий қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

50. АБМ телекоммуникация бўлимидаги Банк телекоммуникация тармоғини бошқарувчи ёки ёрдамчи амалларни бажарувчи компьютерлари INTERNET тармоғига уланиши тақиқланади.

IX. Ҳисоб-китоб Касса Марказида ахборот муҳофазаси

51. Марказий банкнинг ХККМ раҳбарлари, бош бухгалтерлари, сўнгги назоратчилар ва масъул ижрочи бухгалтерлари электрон тўлов ҳужжатини шакллантириш жараёнида унинг реквизитларини тўғри киритилганлиги ва қоғоздаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатида мослигига шахсан жавоб берадилар.

52. Марказий банк электрон тўлов тизимида қатнашувчи барча компьютерлар умумий банк локал ҳисоблаш тармоғи компьютерларидан мантиқий (VLAN – виртуал тармоқ ташкил этилган ҳолда) ажратилган бўлиши лозим.

53. Электрон тўлов ҳужжатларини киритувчи, тасдиқловчи, тўлов базасидан баланс ёки бошқа маълумот олувчи ходимлар (ҳар бир масъул ходим, бўлим бошлиқлари, бош муҳосиб ўринбосарлари ва бошқалар) қатъий танилиш (iKey, Touch Memory ёки бошқа махсус калит) орқали электрон тўлов тизимига киришга рухсат этилади.

54. Электрон тўлов тизимига локал ҳисоблаш тармоғи орқали кирувчи компьютерлар рухсатсиз киришни чегараловчи ускунавий-дастурий қурилмага эга бўлиши шарт.

55. Кунлик баланс, ҳисобварақлар қолдиқ қайдномаси, кирим-чиқим ордерлари ва бошқа тўлов ҳуж-

жатлари алоҳида хонада жойлашган ва локал ҳисоблаш тармоғи орқали уланган принтерда дастурий равишда тўғридан-тўғри қоғозга чоп этилиши ва белгиланган тартибда имзолар билан расмийлаштирилиши лозим. Маълумотларни электрон файлга олиб, файлдан чоп этиш қатъиян ман этилади.

56. Марказий банкнинг ХККМ раҳбарлари бош бухгалтерлар ва уларнинг ўринбосарлари, сўнгги назоратчилар ва электрон тўлов ҳужжатларини тайёрловчи масъул ижрочи бухгалтерлар билан уларни ишга қабул қилишда амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузишлари шарт.

57. Киритилган ва текширувдан ўтказилган электрон тўлов ҳужжатлари бош бухгалтер томонидан тўлов ҳужжатининг асл нусхаси билан солиштирилиб, дастурий равишда тўловни амалга оширишга рухсат берилади, сўнгра электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. ("Тасдиқланган" ҳолатига ўтказилади)

58. ХККМдан жўнатилган электрон тўлов ҳужжатининг электрон рақамли имзосининг ҳақиқийлиги Криптомарказда текширувдан ўтказилади ва АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимига қайта ишлаш учун узатилади. Электрон рақамли имзоси тасдиқланмаган электрон тўлов ҳужжатлари қайта ишлашга қабул қилинмайди ва бу тўғрисида ХККМга маълумот узатилади.

59. ХККМ электрон рақамли имзоси тасдиқланмаган электрон тўлов ҳужжатларини қайта технологик тартибда шакллантириб, АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимига қайта узатади.

60. АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида қайта ишланган электрон тўлов ҳужжатлари Криптомарказ электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади ва ХККМга узатилади. ХККМга қабул қилинган электрон тўлов ҳужжатларининг электрон рақамли имзоси текширилиб, қайта ишланади. Агар электрон рақамли имзо тасдиқланмаса, электрон тўлов қайта ишлаш учун қабул қилинмайди ва бу ҳақда Криптомарказга хабар берилади. Криптомарказ томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаганлик сабаблари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилади.

61. Агар ХККМ моддий жавобгар шахслари электрон тўловлар тизими орқали мижозларнинг ҳисобварақларидан ёки ХККМнинг ички ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқармасдан электрон тўлов ҳужжатлари файлларини жўнатганлиги натижасида ХККМга зарар етказган бўлса, зарар улардан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

X. Ахборотлаштириш Бош маркази ва унинг ҳудудий бўлимларида ахборот муҳофазаси

62. Раҳбар ва масъул ходимлар хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёпиқ турдаги ахборотларни сир сақланиши бўйича жавобгардирлар.

63. Технологик, вақт ва маълумотларга киришга рухсат этиш режимларини қасддан бузган ходимлар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

64. Агар АБМ Марказий банкка, тижорат банкларига йўл қўйилган тартиббузарликлар, хизмат вазифасида кўрсатилмаган ишларни бажариш натижасида жарима тўлаб зарар етказса, айбдор шахслар қонунчиликда кўзда тутилган ҳажм ва тартибда моддий жавобгарликка тортиладилар.

65. АБМ Ходимлар билан ишлаш бўлими Маълумотлар базаси билан ишлайдиган ходим ишдан бўшаганида ёки бошқа ишга ўтганида тармоқ администраторига, маълумотлар базаси администраторига ҳамда Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаментига ёзма маълумот беради. Тармоқ ва маълумотлар базаси администраторлари ходимнинг тармоққа кириш ва маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқларини бекор қиладилар.

66. Тармоқ администратори ва Маълумотлар база-



12

си администратори бошқа ишга ўтганида ёки ишдан бўшаганида барча ҳуқуқлари бекор қилиниб, зудлик билан буйруқ асосида унинг ўрнига бошқа ходим тайинланади.

XI. Марказий банк АБМ электрон почтаси ва Интернетдан фойдаланишда ахборот муҳофазаси

67. Марказий банк АБМ электрон почтаси орқали банкнинг молиявий фаолиятига тегишли банк сири маълумотлари жўнатилганида, маълумотлар шифрланиши ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши шарт.

68. АБМ электрон почтаси орқали қабул қилинган ва узатилган электрон ҳужжатларнинг электрон журнал-баённомалари автоматик тарзда олиб борилади. Журнал-баённомалар ҳар куни дастурий йўл билан архивланади.

69. АБМ электрон почта администратори электрон почта серверларини тўғри ва узлуксиз ишлашини таъминлайди. Электрон почта журнал баённомаларини таҳлил қилади. Таҳлил натижасида қоидабузарликлар аниқланса, Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза кллиш департаментига ёзма маълумот беради.

70. АБМ электрон почта бўлимида электрон почта орқали ўтган электрон тўлов ҳужжатлари файллари архиви олиб борилади.

71. АБМ электрон почтасидан банк фаолиятига тегишли бўлмаган маълумотларнинг узатилиши қатъиян тақиқланади.

72. АБМ электрон почтаси орқали жўнатилаётган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури билан текширилган ҳолда жўнатилиши шарт.

73. АБМ электрон почтаси орқали банк фаолиятига тегишли бўлмаган маълумотларни юбориш натижасида кўрилган зарар қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор шахслардан ундирилади.

74. Етказилган зарарни аниқлаш мақсадида зарур ҳолларда ҳайъат тузилади ва электрон архив ҳужжатлари батафсил текшириб чиқилади.

75. Ҳайъат таркибига Марказий банкнинг ваколатли ходимлари ва зарар кўрган банк ходимлари киритилиши лозим.

76. Интернет тармоғи Марказий банк электрон тизимлари ва АБМ электрон почта тизимидан ажратилган бўлиши шарт.

77. Интернет тармоғидан фойдаланиш учун рухсат департамент ва мустақил бошқарма бошлиқларининг асосланган ёзма маълумотига асосан Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти томонидан берилади.

78. Марказий банк Интернет тармоғи администратори этиб Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти ходими тайинланади.

79. Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти томонидан Интернет тармоғи орқали фойдаланиш тақиқланган сайтлар рўйхати тайёрланиб, Марказий банк Раисининг хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади ҳамда администратор томонидан ушбу Интернет сайтларига кириш рухсати олиб қўйилади.

XII. "Валюта айирбошлаш шохобчалари", "Кредит ахбороти миллий институти" тизимларида ахборот муҳофазаси

80. Валюта айирбошлаш шохобчалари, Кредит ахбороти миллий институти тизимлари маълумотлари тижорат банклари томонидан узатилиши учун хавфсизлик серверлари орқали идентификация ва аутентификация жараёнлари билан текширувдан ўтказилади. Барча текширув амалларидан тўғри ўтган фойдаланувчилар АБМнинг WEB серверида кейинги босқичдаги текширувдан ўтказилади. Фойдаланувчилар ушбу тизимлар сервердаги маълумотлар базасига тўғридан-

тўғри кириш имкониятига эга бўлмаслиги керак. Хавфсизлик ва WEB серверларида автоматик тарзда электрон журнал-баённомалари юритилади. Журнал-баённомаларнинг сақланиш муддати - 1 йил. Тизим фойдаланувчилари ва уларнинг иш ҳуқуқларини мос равишда Кредит ахбороти миллий институти ҳамда МБ Валюта айирбошлаш операциялари махсус Бош бошқармаси томонидан белгиланиб, Марказий банкнинг тегишли Раис ўринбосарлари рухсати билан берилади. Тизимлар алоҳида (виртуал VLAN) локал ҳисоблаш тармоқда бўлишлари зарур. Тизим администраторлари АБМ раҳбари томонидан буйруқ асосида тайинланади.

XIII. "Банк Депозиторларининг Миллий Ахборотлар Базаси" бўлимида ахборот муҳофазаси

81. БДМАБ бўйича сўровномалар Марказий банк билан тижорат банклари ўртасида ташкил этиладиган шифрланган тармоқли муҳофазаланган тизим орқали узатилади. Узатилган сўровномалар (маълумотлар) БДМАБ бўлимида ишлов берилади ва шу тизимдан жўнатилади.

82. БДМАБ администратори АБМ раҳбарининг буйруғи асосида тайинланади.

XIV. "Нақд пул тизими"да ахборот муҳофазаси

83. "Нақд пул тизими" маълумотлари Lotus Notus электрон почта тизими орқали узатилиб, Lotus Notus электрон почтасининг мавжуд бўлган стандарт муҳофаза тизимидан фойдаланилади. Тизимни ишлатиш шартнома асосида АБМ га юклатилади.

XV. АБМ Архив бўлимида ахборот муҳофазасини ташкил этиш

84. АБМ архив бўлимида банклараро тўлов тизими ва ҲККМнинг электрон маълумотлари "мустаҳкам" сақланиши ташкил этилади. АБМ электрон тўлов маълумотларини белгиланган муддатда бут сақлаш учун тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб, маълумотларни бут сақланишига жавобгар ҳисобланади. Электрон тўлов тизими ҳамда ҲККМда техник носозлик (форс мажор) ҳолатларида иш фаолиятини тиклаш учун зарурий электрон маълумотлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлиши керак. Барча тегишли маълумотлар ташқи қурилмаларда камида 2 нусхада, ёнмайдиган сейфларда, бир биридан узоқлашган жойда, махсус дафтарларда қайд қилинган ҳолда сақланиши ташкил этилади. АБМ Архив бўлими маълумотларни тезкор тақдим этиш мақсадида компьютерларда 3 йилдан кам бўлмаган даврдаги маълумотларни сақлайди. Бу компьютерлар алоҳида виртуал тармоқларда ташкил этилади. АБМ Архив бўлимининг маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш хонаси кодли қулф ва сигнализация қурилмалари билан жиҳозланади. Бўлим ходимлари АБМ раҳбариятининг рухсати билан архив маълумотларини тақдим этадилар.

XVI. Фавқулодда ҳолатларда АБМнинг ишлаш тартиби

85. АБМ фавқулодда ҳолатларда банклараро тўлов тизими, ҲККМ ва бошқа мавжуд тизимларнинг иш фаолиятини бетўхтов ишлашини таъминлаш мақсадида узоқлашган жойда Захира марказини ташкил этади. Захира маркази барча зарурий компьютер, ускуна ва қурилмаларига эга бўлиши керак. Захира маркази ишлари йилда камида бир маротаба текширувдан ўтказилади.

86. Захира маркази АБМнинг Асосий марказидан камида 5 км дан кам бўлмаган узоқликда жойлаштирилади ва Асосий марказнинг барча функционал имкониятларини тўлиқ ҳажмда ўзида мужассамлаштириши лозим. Асосий марказнинг иш фаолияти тўхтаганда 1 соат ичида Захира маркази ишга туширилиши ва Асосий марказнинг функцияларини бажара олиши шарт.

87. Фавқулодда ҳолатларда Асосий ва Захира марказлари ишсиз ҳолатга келганда маълумотларни қайта

тиклаш мақсадида АБМ Архив маркази ташкил этилиши лозим. Архив маркази Асосий марказдан узоқлашган жойда ташкил этилади (50 кмдан кам бўлмаган масофада). Архив марказида 24 соат ичида Асосий марказ функциялари «Фавқуллодда ҳолат»дан келиб чиққан талаблар қайта тикланади.

88. АБМ Асосий, Захира ва Архив марказларида ахборот технологияларидаги қурилма, ускуна ва дастурларнинг (серверлар, телекоммуникация қурилмалари, дискли массивлар ва ҳ.к.) ишлаши бўйича мониторинг ва назорат қилиш тизимлари мавжуд бўлиши лозим.

XVII. Ахборотларни тақдим этиш тартиби

89. Электрон тўлов ва бошқа маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси

«Банк сири тўғрисида»ги Қонунига асосан Марказий банк Раисининг АБМ ишига раҳбарлик қилувчи ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан амалга оширилади.

XVIII. Низом талаблари устидан назорат

90. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти томонидан мувофиқлаштирилган режа-жадваллар асосида мазкур низом талаблари бажарилиши устидан текширувлар ўтказилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раиси ўринбосари**

А. В. АКМАЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2005 йил 24 декабрдаги
28-А/1-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН
№ 623**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ (янги таҳрирда)

(Давоми. Боши 5-8, 11-12, 14сонларда).

Ҳисобварақнинг кредитида суд жараёнида кўриб чиқилган ва ундирилган ёки яратилган захира суммаси ҳисобидан қопланган кредитлар ва қарзлар (займлар) суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит ва займ шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

15799- Суд жараёнидаги кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан ундириб олинмаган, суд жараёнидаги кредит (моҳияти бўйича кредитлар деб аталадиган операция) ва қарзлар (займлар) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун яратилган захира суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун яратилган захира суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун яратилган захира суммасининг камайган қисми акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит ва қарзлар (займлар) шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

15800 ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ВА ШЎЪБА ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ҚИЛИНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

15801-Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар - Халқ банки

Ҳисобварақнинг таърифи: Халқ банкининг устав капиталига инвестиция қилинган маблағлар ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида Халқ банкининг устав капиталига инвестиция қилинган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Халқ банки томонидан қайтарилган инвестиция маблағлари суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб шахсий ҳисобварақда юритилади.

15805-Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар - Марказий банк тасарруфидаги

корхоналар

Ҳисобварақ таърифи: молиявий институт бўлмаган қарам хўжалик жамиятларининг хусусий капиталига, шу жумладан улушли қимматли қоғозларига қилинган инвестиция қиймати ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақ дебетида: инвестициянинг, уни харид қилиш билан боғлиқ барча харажатларини кўшган ҳолда суммаси ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақлардан ушбу ҳисобвараққа ўтказилган қимматли қоғозлар қиймати ҳамда банкнинг қарам хўжалик жамияти фойдасидаги улушини тан олиш натижасида юзага келган инвестициясининг ошиш суммаси ва инвестиция объекти бўйича ўтказиладиган қайта баҳолаш билан боғлиқ равишда, унинг хусусий капитал ҳисобварағини кўпайтирадиган бошқа тузатишлар акс эттирилади.

Ҳисобварақ кредитида: ҳисобдан чиқарилган ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақларга ўтказилган инвестиция суммаси, шунингдек банкнинг қарам хўжалик жамияти зараридаги улушини тан олиш натижасида юзага келган инвестициясининг камайиш ва олиниши лозим бўлган дивидендлар суммаси суммаси ва инвестиция объекти бўйича ўтказиладиган қайта баҳолаш билан боғлиқ равишда, унинг хусусий капитал ҳисобварағини камайтирадиган бошқа тузатишлар акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб: молиявий институт бўлмаган ҳар бир қарам хўжалик жамияти бўйича алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

15821- Шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар - Марказий банк тасарруфидаги корхоналар

Ҳисобварақ таърифи: молиявий институт бўлмаган шўъба хўжалик жамиятларининг хусусий капиталига, шу жумладан улушли қимматли қоғозларига қилинган инвестиция қиймати ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақ дебетида: инвестиция қилинган маблағларнинг, уни харид қилиш билан боғлиқ барча харажатларини кўшган ҳолда суммаси (инвесторнинг соф активлардаги улушининг ҳақиқий қийматидан ошмаган ҳолда) ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақ-

лардан ушбу ҳисобвараққа ўтказилган қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақ кредитида: ҳисобдан чиқарилган ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақларга ўтказилган инвестиция суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб: молиявий институт бўлмаган ҳар бир шўба хўжалик жамияти бўйича алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

15899-Қарам хўжалик жамиятларига ва шўба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив).

Ҳисобварақ таърифи: инвестиция қадрсизланиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга йўналтирилган маблағлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақ кредитида: яратилган захира маблағларининг ва/ёки захиранинг ўсиш суммалари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида захиранинг камайиш суммаси ва/ёки ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб: ҳар бир хўжалик жамияти бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

15900 Сўндириш муддатигача сақланган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар

15901- Давлат хазина векселлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан чиқарилган, сўндириш муддатигача сақлаш ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш мақсадида харид қилинган хазина векселлари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебитида сотиб олинган ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақлардан ушбу ҳисобвараққа ўтказилган хазина векселларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобдан чиқарилган ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган бошқа мос ҳисобварақларга ўтказилган хазина векселларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб хазина векселларининг турлари ва муддати бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

15905 Давлат облигациялари

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан чиқарилган, сўндириш муддатигача сақлаш ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш мақсадида сотиб олинган давлат облигациялари ва бошқа хазина мажбуриятлари (узоқ муддатли) ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебитида сотиб олинган давлат облигациялар ва бошқа хазина мажбуриятларининг номинал қиймати ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақлардан ушбу ҳисобвараққа ўтказилган давлат облигацияларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобдан чиқарилган ва/ёки Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақларга ўтказилган давлат облигацияларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб давлат облигациялари ва бошқа хазина мажбуриятларининг турлари ва муддати бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

15911- Еврооблигациялар

Ҳисобварақнинг таърифи: сўндириш муддатигача сақлаш ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати-

ни амалга ошириш мақсадида харид қилинган еврооблигациялар ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебитида сотиб олинган, шунингдек Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақлардан ушбу ҳисобвараққа ўтказилган еврооблигацияларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобдан чиқарилган ёки Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақларга ўтказилган еврооблигацияларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб еврооблигацияларнинг турлари, муддати ва эмитентлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

15913- Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари

Ҳисобварақнинг таърифи: сўндириш муддатигача сақлаш ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш мақсадида харид қилинган корхона (ташкilot)нинг қарз қимматли қоғозлари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебитида сотиб олинган ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақлардан ушбу ҳисобвараққа ўтказилган корхона қарз қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобдан чиқарилган ва/ёки Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақларга ўтказилган қарз қимматли қоғозларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб корхоналар (ташкilot)нинг облигациялари ва бошқа қарз мажбуриятларининг турлари, муддати ва эмитентлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

15979- Бошқа қарз қимматли қоғозлар

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркумга мос тушмайдиган, сўндириш муддатигача сақлаш ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш мақсадида харид қилинган бошқа қарз қимматли қоғозлар ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебитида сотиб олинган ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақлардан ушбу ҳисобвараққа ўтказилган бошқа қарз қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобдан чиқарилган ва/ёки Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан қайта таснифланган ва бошқа мос ҳисобварақларга ўтказилган бошқа қарз қимматли қоғозларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг тури ва муддати бўйича ҳамда эмитентлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

15989-Сўндириш муддатигача сақланган қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: қарз қимматли қоғозларни харид қилиш билан боғлиқ барча харажатлар (агент, маслаҳатчи, дилер ва брокерларга тўланадиган мукофот ва воситачилик ҳақи, назорат органлари ва фонд биржаларининг йиғимлари ҳамда маблағ ўтказганлик учун солиқ ва йиғимлар в.х) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида сўндириш муддатигача сақланган қарз қимматли қоғозларнинг харид қилиш билан боғлиқ харажатлари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сўндириш муддатигача сақланган қарз қимматли қоғозларнинг харид қилиш билан боғлиқ харажатларининг амортизация қилинган суммаси ҳамда сотилган, қайта таснифлан-

ган ва ўтказилган ёки ҳисобдан чиқарилган қарз қимматли қоғозларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг тури ва муддати, шунингдек эмитентлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

15991-Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларнинг харид қиймати (сотиб олиш харажатлари ва агар, мавжуд бўлса сотиб олинган фоизлардан ташқари) билан номинал қиймати ўртасидаги салбий фарқ ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қарз қимматли қоғозларнинг номинал қийматидан паст баҳода харид қилишдаги дисконт суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида дисконт амортизацияси ҳамда қимматли қоғозлар сотилганда ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилганда дисконт суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозлар тури ва муддати, шунингдек эмитентлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

15993-Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозлар бўйича мукофот

Ҳисобварақнинг таърифи: сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларнинг харид қиймати (сотиб олиш харажатлари ва агар, мавжуд бўлса сотиб олинган фоизлардан ташқари) билан номинал қиймати ўртасидаги ижобий фарқ ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида қимматли қоғозларнинг номинал қийматидан юқори баҳода харид қилишдаги мукофот суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида мукофот амортизацияси суммаси ҳамда қимматли қоғозлар сотилганда, қайта таснифланганда ва ўтказилганда ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилганда мукофот суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозлар тури ва муддати, шунингдек эмитентлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

15999- Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу ҳисобварақда қимматли қоғозларнинг қадрсизланиши натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун яратилган захира суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида захиранинг камайиш суммаси ва/ёки ҳисобдан чиқариш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг тури ҳамда эмитентлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16100 МАРКАЗИЙ БАНК/БЎЛИМ/АГЕНТЛИКЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МАБЛАҒЛАР

16101- Марказий банк/филиал/агентликлардан олинадиган маблағлар – Нақд пуллар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг республика ҳудудида жойлашган ҳудудий Бош бошқармалари ўртасида бўладиган нақд пул билан боғлиқ операцияларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 22202 “Марказий банк/филиал/агентликларга тўланадиган маблағлар - Нақд пуллар” ўзаро мос ҳисобварақ ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақларнинг айланма ва қолдиқ суммалари бир-бирига тенг бўлиши ва жамланган балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банк/филиал/агентликларга нақд пул учун ўтказилган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банк/филиал/агентликларга келиб тушган нақд пул маблағлари суммаси, шунингдек, нотўғри ўтказилиш натижасида қайтарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб Марказий банк/филиал/агентлик билан ҳисоб-китоблар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16102-Марказий банк/филиал/агентликлардан олинадиган маблағлар – Марказлашган нақдсиз маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг республика ҳудудида жойлашган ҳудудий Бош бошқармаларига бериладиган марказлашган мадад маблағларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 22203 “Марказий банк/филиал/агентликларга тўланадиган маблағлар – Марказлашган нақдсиз маблағлар” ўзаро мос ҳисобварақдир. Ушбу ҳисобварақларнинг айланма ва қолдиқ суммалари бир-бирига тенг бўлиши ва жамланган балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банк/филиал/агентликларга берилган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банк/филиал/агентликлар томонидан қайтарилган қарзлар ва нотўғри ўтказилиш натижасида қайтарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб Марказий банк/филиал/агентликлар учун Марказий банкнинг фармойишига асосан фақат Тошкент шаҳар ҲККМда алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16103-Марказий банк/филиал/агентликларнинг филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлари ҳисобварағи

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг республика ҳудудида жойлашган ҳудудий Бош бошқармалари ҲККМлари билан бўладиган филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар учун фойдаланадиган маблағлари ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 22204-“Марказий банк/филиал/агентликларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар” ўзаро мос ҳисобварақдир. Ушбу ҳисобварақларнинг айланма ва қолдиқ суммалари бир-бирига тенг бўлиши ва жамланган балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг дебетида ҲККМ миқозлари ва/ёки ҲККМ учун келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҲККМларида битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

16104-Марказий банк/филиал/агентликлардан олинадиган маблағлар – Товар-моддий қимматликлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг республика ҳудудидаги Бош бошқармаларига берган товар-моддий қимматликлар бўйича операциялар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 22205-“Марказий банк /филиал/агентликларга тўланадиган маблағлар – Товар-моддий қимматликлар” ўзаро мос ҳисобварақдир. Ушбу ҳисобварақларнинг айланма ва қолдиқ суммалари бир-бирига тенг бўлиши ва жамланган балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг дебетида омбордан филиаллар/агентликларга жўнатилган товар-моддий қимматликларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банк/фили-

ал/агентликлар томонидан товар-моддий қимматликлар учун тўлаб берилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб филиал/агентликлар учун фақатгина Марказий банкнинг Тошкент шаҳар ХККМда алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16105-Марказий банк/бўлим/чет элдаги агентликлардан олинадиган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг чет элдаги агентликларга жўнатилган товар ва қийматликларнинг суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида чет элдаги агентликларга жўнатилган товар ва қийматликларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида чет элдаги агентликлар томонидан товар ва қийматликлар учун ўтказилган ёки бошқа ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

16107-Марказий банк/филиал/агентликлардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар – Овердрафт

Ҳисобварақнинг таърифи: 22204-“Марказий банк/филиал/агентликларга филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар” ҳисобварақнинг мавжуд кредит қолдиқ суммасидан ортиқ суммага тўловлар амалга ошган ҳолатда вужудга келган дебет қолдиғининг ҳисоби юритилади. Мазкур ҳисобварақнинг айланма ва қолдиқ суммалари филиал/агентликларда очилган 22208-“Марказий банк/филиал/агентликларга филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар-Овердрафт” ҳисобварақнинг айланма ва қолдиқ суммалари билан тенг бўлиши ва жамланган балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг дебетида 22204-“Марказий банк/филиал/агентликларга филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар” ҳисобварақда вужудга келган дебет қолдиғининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида 22204-“Марказий банк/филиал/агентликларга филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар” ҳисобварақига маблағлар келиб тушганда мавжуд дебет қолдиғининг қопланиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир филиал/агентлик бўйича фақат Марказий банкда алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16109-Марказий банк/бўлим/агентликларнинг маблағлари-Флоат

Ҳисобварақнинг таърифи: бўлим/агентликларга жўнатилган, лекин белгиланган муддатда қопланмаган товар ва қийматликлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида бўлим/агентликларга жўнатилган, лекин белгиланган муддатда қопланмаган товар ва қийматликлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида бўлим/агентликлар томонидан қопланган товар ва қийматликлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

16300 ОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР

16301-Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоиз суммалари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобланган фоиз суммалари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган ёки ҳисоб-

дан чиқарилган, ҳамда нотўғри ҳисобланган фоиз суммаларси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16302-Норезидент банклардаги маблағлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: норезидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа депозит маблағлари бўйича ҳисобланган фоиз суммаси ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг дебетида норезидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа депозит маблағлари бўйича ҳисобланган фоиз суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида норезидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа депозит маблағлари бўйича ҳисобланган фоиз суммаларининг ўтказиб берилган, ундирилган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16303-Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: бошқа банкларга берилган кредитлар бўйича ҳисобланган ва олиними лозим бўлган, лекин ҳали олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида бошқа банкларга берилган кредитлар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган(қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган ҳамда нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир банк бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16304- Резидент банклардаги маблағлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: резидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа депозит маблағлари бўйича ҳисобланган фоиз суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида резидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа депозит маблағлари бўйича ҳисобланган фоиз суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида резидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа депозит маблағлари бўйича ҳисобланган фоиз суммаларининг ўтказиб берилган ёки бошқа баланс ҳисобварақига ўтказилган фоиз суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳисобланган фоизларнинг ҳисоби алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16305-Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида қимматли қоғозлар харид баҳосига киритилган ва олиш учун ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган(қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг тури ва муддати, шунингдек, эмитентлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16306-Халқаро молиявий институтлардаги ҳисобварақлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: халқаро молиявий муассасалардаги маблағлар, шу жумладан Махсус қарз олиш ҳуқуқлари (SDR) бўйича ҳисобланган фоиз сум-

малари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг дебетида халқаро молиявий муассасалардаги маблағлар, шу жумладан Махсус қарз олиш ҳуқуқлари (SDR) бўйича ҳисобланган ва ундирилмаган фоиз суммалари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида халқаро молиявий муассасалардаги маблағлар, шу жумладан Махсус қарз олиш ҳуқуқлари (SDR) бўйича ҳисобланган фоизларнинг ундирилган, келиб тушган суммалари акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16307- Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар инвестицияси бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилди.

Ҳисобварақнинг дебетида қимматли қоғозлар харид баҳосига киритилган ва олиш учун ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳақиқатда олинган ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг тури ва муддати, шунингдек, эмитентлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилди.

16308- Резидент банкларга берилган қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: резидент банкларга 1 йилдан ортиқ муддатга берилган қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган ва олинмиши лозим бўлган, лекин ҳали олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилди.

Ҳисобварақнинг дебетида резидент банкларга берилган қарзлар (займлар) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган(қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган ҳамда нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича займ шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилди.

16309- Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоиз суммалари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган фоиз суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоиз суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16310-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга 1 йилдан ортиқ муддатга берилган қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган ва олинмиши лозим бўлган, лекин ҳали олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилди.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қарзлар (займлар) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар суммаси акс

эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган(қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган ҳамда нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича займ шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилди.

16311- Қимматбаҳо металллар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: қимматбаҳо металллар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоиз суммалари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида қимматбаҳо металллар бўйича ҳисобланган фоиз суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек нотўғри ҳисобланган ва қайтарилган фоиз суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16312-Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилди.

Ҳисобварақнинг дебетида қимматли қоғозлар харид баҳосига киритилган ва олиш учун ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган(қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг тури ва муддати, шунингдек, эмитентлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилди.

16315-Сотиб олинган векселлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: сотиб олинган векселлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилди.

Ҳисобварақнинг дебетида векселлар харид баҳосига киритилган ва олиш учун ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган(қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб векселларнинг тури ва муддати бўйича ҳамда тўловчилар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилди.

16397- Бошқа маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: бошқа маблағлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоиз суммалари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоиз суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16400 ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР

16401- Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган кўрсатилган хизмат ва воситачилик ҳақлари суммаларининг ҳисоби олиб борилди.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобланган кўрсатил-

ган хизмат ва воситачилик ҳақлари суммаси акс эттирилади

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган(қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, нотўғри ҳисобланган кўрсатилган хизмат ва воситачилик ҳақларининг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб хизмат ҳақи ва воситачилик турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16405- Ҳисобланган жарима ва пенялар

Ҳисобварақнинг таърифи: кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган жарима ва пенялар суммаларининг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида олиш учун ҳисобланган жарима ва пенялар суммаси акс эттирилади

Ҳисобварақнинг кредитида ундирилган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, нотўғри ҳисобланган жарима ва пенялар қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб мижозлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16409- Операцион ижара бўйича олиш учун ҳисобланган даромад

Ҳисобварақнинг таърифи: операцион ижара бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган даромад ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида операцион ижара бўйича олиниши лозим бўлган даромад суммаси акс эттирилади

Ҳисобварақнинг кредитида олиши лозим бўлган тўловлар ва/ёки ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16413-Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган бошқа фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар суммаси акс эттирилади

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган(қопланган) ва/ёки ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, нотўғри ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб хизмат ҳақи ва воситачилик турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16499-Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ундириб олинмаслиги натижасида вужудга келиши мумкин бўлган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ташкил этилган захиранинг баҳолаш суммаси ва/ёки унинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида захиранинг камайиш суммаси ва/ёки бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб активларнинг тури бўйича ташкил этилган захиралар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16500-АСОСИЙ ВОСИТАЛАР

16501- Ер

Ҳисобварақнинг таърифи: фойдаланиш ҳуқуқини берадиган, ернинг баҳоси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида ер-кадастри маълумотларига мувофиқ аниқланган ернинг баҳоси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ернинг сотилган қиймати ҳамда ернинг бозор қиймати тушгандаги диспо-

зиция суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир ер майдони бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16505- Тугалланмаган қурилишлар

Ҳисобварақнинг таърифи: биноларни, иншоотларни қуриш, жиҳозларни ва бошқа асосий воситаларни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида асосий воситаларни реконструкция қилиш ёки қайта тиклаш, қурилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ниҳоясига етказилган қурилиш ёки реконструкциянинг қиймати акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб асосий воситаларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16509-Банкнинг иморатлари-Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг фаолияти ва тўлиқ иш юритиши учун зарур бўлган, унга тегишли биноларнинг ва бошқа иншоотларнинг (хизматдаги бино, омбор, гараж, ошхона, ўқув маркази, ижтимоий инфраструктура объектлари) қиймати ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида қурилган бино ва бошқа иншоотларнинг қиймати ёки сотиб олинган бино ва бошқа иншоотларнинг уларни сотиб олишдаги харажатларини ҳам ҳисобга олган ҳолдаги қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сотилган ёки ҳисобдан чиқарилган бино ва бошқа иншоотларнинг қиймати, ҳамда бозор қиймати тушгандаги диспозиция суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир бино(иншоот)лар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16511-Бинолар ва бошқа қурилган иморатларнинг жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: банкка тегишли бўлган бино ва бошқа иншоотларнинг жамғарилган эскириш суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида бино ва бошқа иншоотларнинг эскириш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида сотилган, диспозиция қилинган ҳамда ҳисобдан чиқарилган бино ва бошқа иншоотларнинг эскириш суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир бино(иншоот) бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16515-Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан ижарага олинган асосий воситалар(бино, иншоот, ер, транспорт ва бошқалар) нинг қиймати ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида ижарага олинган объектларни, уларни ижарага олиш билан боғлиқ барча харажатларни ҳам ҳисобга олган қиймати, шунингдек ижарага олинган объектларнинг реконструкция ва такомиллаштириш билан боғлиқ қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара муддати тугагач ёки ижара ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда ижара берувчига қайтарилган ёки асосий воситаларнинг ижара муддати тугагандан кейин банк томонидан сотиб олингандаги қиймати акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир ижарага олинган объект бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16519-Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: узоқ муддатга ижарага

олинган ва такомиллаштирилган объектларнинг жамғарилган эскириш суммаси ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ижарага олинган объектларнинг ва такомиллаштирилган объектларнинг эскириш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида сотилган, диспозиция қилинган ҳамда ҳисобдан чиқарилган ижарага олинган ва такомиллаштирилган объектларнинг эскириш суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир ижарага олинган объект бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16529-Транспорт воситалари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк ишида фойдаланиш учун сотиб олинган транспорт воситалари (автомашина, юк машиналари ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар)нинг қиймати ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида транспорт воситаларининг уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларини ҳам ҳисобга олган ҳолдаги қиймати, шунингдек транспорт воситаларининг ўсиш қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сотилган, алмаштирилган ҳамда бошқа ҳисобдан чиқарилган транспорт воситаларининг қиймати акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир транспорт воситасининг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16531-Транспорт воситаларининг жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: транспорт воситаларининг жамғарилган эскириш суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида транспорт воситалари бўйича ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида сотилган, диспозиция қилинган ҳамда ҳисобдан чиқарилган транспорт воситаларининг эскириш суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир транспорт воситаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16535-Мебел ва бошқа жиҳозлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банк фаолияти учун сотиб олинган, мебеллар, компьютерлар ва бошқа жиҳозларнинг қиймати ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида мебел ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш, келтириш, ўрнатиш ва эксплуатация қилиш муддатини узайтириш мақсадида қилинган йирик таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган қиймати, шунингдек мебел ва бошқа жиҳозларнинг ўсиш қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сотилган, алмаштирилган ҳамда ҳисобдан чиқарилган мебел ва бошқа жиҳозларнинг қиймати акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16539- Мебел ва бошқа жиҳозларнинг жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: мебел ва бошқа жиҳозларнинг жамғарилган эскириш суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида мебел ва бошқа жиҳозлар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида сотилган, диспозиция қилинган ҳамда ҳисобдан чиқарилган мебел ва бошқа жиҳозларнинг эскириш суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16541-Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жиҳозлар

Ҳисобварақнинг таърифи: тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналари

бўлмиш банкомат, терминал, сервер ва бошқа ускуналарнинг қиймати ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида харид қилиш, етказиб бериш ва ўрнатиш билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги харид қилиш қиймати, актив сифатида қабул қилиш мезонларига жавоб берадиган кейинги харажатлар, шунингдек, қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сотилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган ускуналарнинг қиймати, шунингдек, қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16545- Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жиҳозлар жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналарининг йиғилган эскириш суммаси, кадрсизланиш натижасида кўрилган зарарлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида ускуналарининг эскириш суммаси, кадрсизланиш натижасида кўрилган зарарлар, шунингдек, қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида сотилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган ускуналарнинг йиғилган эскириш суммаси, шунингдек қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16549-Ижарага берилган асосий воситалар

Ҳисобварақнинг таърифи: ижарага берилган асосий воситаларнинг қиймати ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида ижарага берилган асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ижара муддати тугаши ёки ижара шартномаси бекор қилиниши натижасида қайтарилган асосий воситаларнинг қиймати, шунингдек ижара муддати тугагандан кейин асосий воситаларнинг мос ҳисобварағига ўтказилган қиймати акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ижарага берилган ҳар бир асосий восита бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16551-Ижарага берилган асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

Ҳисобварақнинг таърифи: Ижарага берилган асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида операция ижарага берилган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.


Ҳисобварақнинг дебетида операция ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилган эскириш суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб операция ижарага берилган ҳар бир асосий восита бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

16561- Омбордаги асосий воситалар

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан сотиб олинган ва омборда эксплуатацияга киритилгунга қадар ҳамда эксплуатациядан чиқарилгандан кейин сақланадиган асосий воситаларнинг қиймати ҳисобга олинади.

(Давоми бор).



«САМАРҚАНД»

ХУСУСИЙ ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг
2000 йил 30 декабрдаги 67-рақамли лицензияси
Манзил: Самарқанд ш., Фирдавсий кўч., 75.

БАЛАНС ҲИСОБОТИ
2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

	МИНГ СЎМ.	
АКТИВЛАР	2005 й.	2004 й.
Нақд пул	2 766	1 174
ЎзР МБдан олинади	867 697	761 125
Мижозларга ссудалар, нетто	-	32 268
Асосий воситалар, нетто	86 385	71 580
Олишга ҳисобланган даромадлар	610	2 105
Бошқа активлар	101 929	562
Ҳамма активлар	1 059 417	868 814
Мажбуриятлар ва акциядорлик сармояс		
Мажбуриятлар		
Мижозларнинг депозитлари	268 397	112 969
Тўланган ссудалар	1 010	6 250
Ҳисобланган фойзалар ва тўланган солиқлар	6 841	405
Бошқа мажбуриятлар	645 408	658 715
Ҳамма мажбуриятлар	921 956	778 340
Акциядорлик сармояс:		
Акциядорлик сармояс:	62 091	60 055
Захиралар	36 603	21 733
Тақсимланмаган фойда/(зарар)	38 767	8 687
Ҳамма акциядорлик сармояс	137 461	907 474
Ҳамма мажбуриятлар ва акциядорлик	1 059 417	868 814

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

	МИНГ СЎМ.	
Моддалар номи	2005 йил	2004 йил
Фойзалар бўйича жами даромадлар:	768	16 972
Жами фойз харажатлари	(212)	(3 894)
Соф фойз даромади	556	13 078
Жами нофойз даромадлари	100 645	17 200
Жами нофойз даромадлари	(4 853)	(2 136)
Операция харажатларидан олдинги соф даромад	96 349	28 142
Жами операция харажатлари	(49 381)	(25 738)
Шубҳали активлар бўйича зарарни қоплаш захираси	(6 645)	-
Солиқлар тўланишидан олдинги фойда	40 323	2 404
Солиқлар	(11 093)	(2 026)
МСФО бўйича тузатиш киритилишидан олдинги соф фойда/(зарар)	29 230	378
Соф пул позицияси (МСФО)	(10 815)	(277)
МСФО бўйича тузатиш киритилишидан	18 415	101

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ХАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига


	МИНГ СЎМ.	
Моддалар номи	2005 йил	2004 йил
<i>Операция фаолияти</i>		
Олинган фойзалар	768	16 972
Олинган воситачилик ҳақлари	100 049	17 195
Олинган бошқа операция даромадлари	597	5
Тўланган фойзалар	(212)	(3 894)
Тўланган воситачилик ҳақлари	(4 853)	(2 136)
Ходимларни саклаш учун тўланган харажатлар	(49 381)	(25 738)
МСБУ 29 бўйича тузатиш киритиш	(5 150)	(2 418)
Операция активлари ва мажбуриятларига ўзгартишлар киритилишидан олдинги операция фойдаси	41 819	(15)
<i>Операция активларидаги қўлайлиқ (камайиш)</i>		
ЎзР МБдаги мажбурий захира ҳисоби	(820)	13 865
Банклар ва бошқа молия институтларидаги ҳисоббараклар		(691 806)
Мижозларга берилган ссудалар ва бўнақлар	32 268	55 237
Бошқа активлар	(139 032)	204 519
<i>Операция мажбуриятларидаги қўлайлиқ (камайиш)</i>		
Банклар ва бошқа молия институтларининг ҳисоббараклари	(5 240)	(12 000)
Мижозларнинг депозитлари	155 727	38 982
Бошқа қарзга олинган маблағлар	(50 941)	1 018 367
Солиқлар тўланишидан олдинги операция фаолиятдан тушган соф пул маблағлари	33 781	626 971
Фойда солиғи	(11 093)	(2 026)
Операция фаолиятдан тушган соф пул маблағлари	22 688	624 944
<i>Инвестиция фаолияти</i>		
Асосий воситаларни сотишдан келган тушум		
Асосий воситаларни сотиб олиш	(14 805)	50 963
Олинган дивидендлар		
Олинган фойзалар	99 461	16 679
Инвестиция фаолиятдан олинган пул маблағлари	84 656	67 642
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф қўлайлиқи	107 344	692 586
Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	759 044	66 458
Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	866 388	759 044

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "ODIL AUDIT" аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2003 йил 02.04 даги 8-рақамли ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 09.08 даги 00143-рақамли лицензияси) ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонунларга, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот 2005 йил 31 декабр ҳолатига банк ҳисоботининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик ҳисоботида бор.

SMS-BANKING – ЗАМОНАВИЙЛИК САРИ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг VISA пластик карточкалари орқали савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда банкнинг хизмат кўрсатиш шохобчаларида барча турдаги тўловларни амалга ошириш мумкинлиги аҳоли ўртасида банк пластик карточкаларига бўлган талабни янада оширмоқда. Буни банк томонидан ҳозирги кунгача эмиссия қилинган пластик карточкалари ва ўрнатилган терминаллари сони



3849,8 млн.сўмни ташкил этди. Шундан 2304,2 млн. сўми транзакциялар савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали ўтган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ўз миқозларига янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида юридик шахс ва хусусий тадбиркорлар учун миллий валютадаги VISA BUSINESS корпоратив пластик карточкаларини муомалага чиқаришни йўлга қўйиш арафасида. Бу юридик шахсларга ва юридик мақомга эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга пластик карточкалар орқали кунлик тўловларни, жумладан канцелярия моллари, хўжалик моллари, автомобил ёқилгилари, теле-радио апаратуралар, хизмат сафарлари сарф харажатлари каби тўловларни нақд пулсиз шу карточкадан фойдаланган ҳолда амалга ошириш имконини беради.

«Ўзсаноатқурилишбанк» миқоз манфаати кўзланган мазкур хизматларни янада такомиллаштириш учун бир қатор ишларни режалаштирган. Жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига янги турдаги GSM ва радио терминаллари ўрнатиш, кредит ва дисконтли пластик карточкаларни муомалага чиқариш устида иш олиб бормоқда.

ҳамда амалга оширилган тўловлар миқдори орқали ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунгача банк 462 мингтадан ортиқ пластик карточкаларни муомалага чиқарган ва 1620 га яқин терминаллар ўрнатган. Шундан 1380 таси савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига, қолганлари эса, банк жамғарма кассалари ва мини-банкларига жойлаштирилган. Банкка тегишли бўлган 20 донна банккомат эса аҳолига доимий равишда хизмат қилиб келмоқда.

Жорий йил бошидан «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг пластик карточкалари орқали ўтказилган тўловлар миқдори

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан миқозларга тақдим этилиши, телевидение, радио ва рўзномаларда банк пластик карточкаларининг афзалликлари ва имкониятлари тўғрисида доимий равишда маълумотлар бериб борилиши банкнинг пластик карточкалар бозорида ўз мавқеини янада мустақамлашига ва аҳоли ўртасида мазкур электрон карточкаларга бўлган талабни ҳамда миқозлар сонининг янада ортишига олиб келиши шубҳасиз.

Гулшан ЮСУПОВА.

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР БИЛАН

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритиб турган банкларнинг ташқи қиёфаси, фаолият доираси, хизмат кўрсатиш даражаси, техник жиҳозланиши ва ҳоказоларни зимдан кузатадиган бўлсак иш юритиш сифати юқори эканини ва баъзи ҳолларда жаҳон талаблари даражасига кўтарилганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, тижорат банкларининг минтақавий бошқармаларида, филиалларида ишни ташкил этиш тартибларини ўрганиб ижобий хулосаларга келиш мумкин.

Жумладан, республикамиздаги энг йирик ва универсал банклардан бири «Пахта Банк»нинг вилоят бошқармалари ҳамда филиалларидан йил якунлари бўйича олинган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак республика қишлоқ хўжалиги, пахта саноати, кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштиришда банк бошқармаларининг ҳам алоҳида жонбозлигини кўриш мумкин. Фикримиз исботи сифатида Қашқадарё вилояти «Пахта Банк» бошқармасининг ўтган йилда амалга оширган ишлари натижасини келтиришимиз мумкин.

Банкнинг бир меъёрда, жадал иш олиб боришида филиал ва мини-банкларнинг ҳам ҳиссаси жуда катта. АТ «Пахта Банк» Қашқадарё вилоят бошқармасининг туман филиалларида жами 100 та мини-банклар фаолият кўрсатиб келмоқда. Мини-банкларнинг деярли барчаси техник жиҳоз ва компьютерлар билан таъминланган. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир мини-банкда тадбиркорлар бурчаги ташкил этилиб, уларда меъёрий ҳужжатлар ҳақидаги янгиликлар эълон қилиб турилади.

Банк, ташкил этган мини-банклар орқали жами 6170 та миқозга, жумладан 5337 та фермер хўжалигига, 835 та савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотларга хизмат турларини тақлиф этади.

Сир эмаски, тадбиркорлик қилиш ёки хусусий бизнесни тўғри ташкил эта би-

лишда бошланғич ёхуд ёрдамчи сармоя масаласи биринчи даражали муаммо сифатида кўндаланг бўлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатининг асосий вазифаси ҳам айнан шу масалаларни ҳал этишга қаратилган. Қашқадарё вилояти «Пахта Банк» бошқармаси томонидан кичик ва микро-молиялаштиришни амалга оширишда маблағни мақсадли йўналтириш, назорат қилиш, хатарларни бошқариш борасида ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилган.

2005 йил давомиди 2317,2 млн. сўм маблағ кичик бизнесни молиялаш мақсадида ишлаб чиқариш (282,5 млн. сўм), халқ хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалиги (1782,4 млн. сўм), қишлоқ хўжалиги учун техник асбоб-ускуналар сотиб олиш (1677,7 млн. сўм), чорвачилик (104,7 млн. сўм) ва паррандачиликни ривожлантириш (87,6 млн. сўм), қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга (189 млн. сўм) йўналтирилган.

2005 йил давомиди банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1092,7 млн. сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки кредит линияси орқали қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун 920 млн. сўмлик кредит лойиҳалари молиялаштирилган.

Лайло АЗИЗОВА.

«ТАШАББУС-2006» СОВРИНИ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Яқинда пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида Республика Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар орасида «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг якуний республика босқичи бўлиб ўтди.



Республика Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилиб борилаётган мазкур тадбирнинг бу йил 10 йиллик юбилейи нишонланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қолаверса ташаббускор ва интеллектуал ишбилармонларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган «Ташаббус» танлови ўн йилдан буён қарийб 100 мингдан ортиқ қатнашчиларни ўзига жалб қилди. Бу эса, тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандларда тадбир катта қизиқиш уйғотганлигидан ҳамда ўзаро рақобатнинг шаклланишидан далолатдир.

Хукуматимизнинг хусусий сектор ривожига қаратаётган эътибори мамлакат

иктисодиётининг ўсиш суръатини тезлаштириш билан бирга аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаб, жамият турмуш тарзини яхшилашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириб, бизнес ҳамжамияти қаторини кенгайтираётган юридик мақомдаги тадбиркорлик субъектлари бугунги кунда 310 мингдан ортиқни ташкил этади.

Танлов ташкилий кўмитаси бу йилги марафонга баъзи бир янгиликларни киритган ҳолда унинг якуний босқичини икки кунга белгилади. Дастлаб, иштирокчилар ўз маҳсулотларини «Ўзқўргазмасавдо» мажмуасида намойиш этишди. Танлов иккинчи кунининг ярмигача давом этган мазкур кўргазма кенг жамоатчилик-



ни жалб қилиш билан бирга, ҳайъат аъзоларининг тадбиркорлар фаолиятини чуқурроқ ўрганиб, уларни объектив баҳолаши учун қулай имконият яратди.

Совриндорлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, 2 ва 3-ўрин соҳиблари диплом, пул мукофотлари ҳамда энг сўнгги компьютер техникаси билан рағбатлантирилди. Йилнинг энг яхши тадбиркори, хунарманди ва фермери номинациялари бўйича 1-ўринни эгаллаган ғолиблар эса, шахсан Юртбошимиз томонидан тақдим этилган «Матиз» автомобили ҳамда ҳомийлик ташкилотларининг махсус совғалари билан тақдирландилар. Жумладан, хунармандчилик йўналиши бўйича 1-ўринга Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳридан келган Гулнора Одидованинг ижод намуналари лойиқ, деб топилди. 1980-1990 йилларда унутила бошланган «Ироқи» каштачилигини қайта санъат даражасига кўтарган Г.Одидованинг хайрли иши 1997 йилда Ўзбекистон Бадий Академияси томонидан ҳам юқори баҳоланган. Бугунги кунда муаллиф яратган мазкур маҳсулотлар дунёнинг қатор мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Йилнинг энг яхши фермери деб Тошкент вилоятидан «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги эътироф этилди ва Болгария Республикаси элчихонасининг махсус совғалари билан тақдирланди. «Энг фаол тадбиркор» номинацияси бўйича ғолибликни эса, Бухоро вилоятидаги «Шохруҳ-Шаҳло» хусусий корхонаси раҳбари Лобар Тешаева қўлга киритди. У эсдалик совғаларидан ташқари, Ҳиндистонга саёҳат қилиш учун бепул йўланма билан тақдирланди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

«ЎКТАМБАНК» — ЭНГ ЯХШИ МОЛИЯ МУАССАСАСИ

1996 йилдан буён жамият тараққиёти, мамлакат иқтисодиёти ҳамда хусусий секторнинг ривожланиши учун ўз ҳиссасини қўшиб келаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг совриндорлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Республика Президенти томонидан ташкил этилган мазкур танлов жорий йилда ўнинчи бор ўтказилиб, энг лойиқ номзодлар ғолиблик шохсупасидан ўз ўринларини эгалладилар.

Хусусан, бу йилги «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг совриндорлари қаторида акциядорлик-тижорат «Ўктамбанк»нинг ҳам борлиги қувонарли ҳол, албатта. «Энг яхши молия муассасаси» номинацияси бўйича ғолиб бўлган мазкур банкнинг танловга жиддий тайёргарлик кўргани сезилиб турди.

Тўғриси, бу йўналиш бўйича номзодлар кучли ва кўп бўлгани учун ғолиб бўлишимиз мумкинлигини кутмаган эдим, - дейди банк Бошқарув раиси Акрам Бўтаевич ШУКУРОВ. - Айни пайтда эса, қувончим ичимга сизмай кетяпти (ҳаяжонланиб).

1998 йил Қашқадарё вилоятида ташкил топган «Ўктамбанк»нинг устувор мақсадларидан бири - мамлакатимиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривож топишига ўз ҳиссасини қўшиш. Бунинг учун улар жуда кўп хайрли ишларни йўлга қўймоқда. Хусусан, банкнинг олиб бораётган кредит сиёсати бунга яққол мисол бўла олади. У жисмоний ва юридик шахсларга ўз маблағларидан ташқари, Молия вазирлиги қошидаги давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла ҳосили ҳисоб-китоби жамғармаси орқали кредит ажратиш, уни ўз вақтида сўндириб боради. Бугунги кунда «Ўктамбанк» вилоятдаги 1000 дан

ортиқ фермер хўжалиқларига беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Шунингдек, банк ҳозирги давр, қолаверса мижозлар талабидан келиб чиқиб, вилоятнинг 5 та туманида 5 та минибанк ва 3 та махсус хизмат кўрсатиш шохобчаларини очган. Бундан ташқари, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида ҳам минибанклар мавжуд. Яқин кунларда Тошкент шаҳрида ҳам банк филиали очилади. Банк жорий қилган юқори фоизли депозитлар эса, кундан-кунга омонатчилар сонининг ошишига олиб келмоқда.

«Ўктамбанк»нинг ривожланган давлатлар билан ҳамкорлиги алоҳида бир мавзудир. «Western Union», «Contact» ҳамда «VIP Money Transfer» каби тармоқлар орқали пул айирбошлаш тизими аҳоли учун жуда қўл келмоқда. Шу яқин кунларда эса, банк нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини йўлга қўйиш учун ўз электрон карточкаларини эмиссия қилишни режалаштирган.

Мижозлар ишончини қозониш учун тинимсиз изланишда бўлган «Ўктамбанк»ка бугунги ютуқ ўз фаолият самарасининг берган меваси, десак адашмаймиз. Бироқ, мунтазам изланишда бўлган банк ходимлари учун бу етарли эмас, албатта. Банк ўз олдида давлат иқтисодий барқарорлигини таъминлаётган фермер хўжалиқлар сонининг ошиши, қишлоқ хўжалик субъектларининг ривож топиши, шунингдек, вилоятда кам таъминланган оилалар, боқувчиси йўқ қарияларга ёрдам қўлини чўзиш ва болалар спортининг ривожланиши учун ҳомийлик қилиш каби эзгу мақсадларни қўйган.

Нима ҳам дердик, «Ўктамбанк» муваффақияти банк тизимининг ютуғидир. Ахир танловда озмунча молия муассасалари қатнашмаган дейсизми?

Биз уларга фақатгина омад тилаб қоламиз.

Назира МАВЛОНОВА.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ФРАНЦИЯ

ПОЧТА БАНКИ

Мамлакат банк соҳасида энг йирик ҳисобланган Почта банки (Banque Postale) юзага келди. Франция почта бўлимларининг молиявий хизматларидан фойдаланиб келган 28 млн. киши бирданига шу банк мижозига айланиб қолди.

Экспертлар бугун мамлакат бўйлаб 17 мингта бўлимга эга бўлган бу қадар қудратли муассасанинг пайдо бўлиши портлаш хавфини тугдиради, деб ҳисоблашмоқда. 9 мингта филиал ва бўлимга эга бўлган «Креди Агрикол» банки «давлат янги банкка ноқонуний ёрдам бермоқда» деб Еврокомиссияга шикоят топширди. Бошқа тўртта йирик банк - «БНП Париба», «Банк Попюлер», «Креди Лионне» ва «Сосьете Женерал» ҳам Почта банкининг ташкил этилиши рақобатга зарар келтиради, деб Еврокомиссияга мурожаат қилди. Почта банки хусусий шахслар билан иш олиб борадиган ўнинчи миллий банк тармоғи бўлиб қолди. Франция банк федерацияси маълумотларига қараганда, мамлакатда 1 млн. аҳолига 427 та банк муассасаси очилган бўлиб, бу Европадаги ўртача даражадан пастдир. Бироқ уларнинг сони муттасил ўсиб бормоқда.

АРГЕНТИНА

ЕВРО СОТИБ ОЛМОҚДА

Аргентина марказий банки ўз захираларини тиклаш учун евро сотиб олади.

Шу йил 3 январь маълумотларига кўра Аргентина марказий банкининг захиралари учдан бир ҳисса қисқарди ва 13,36 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакат Халқаро валюта фондига 9,5 млрд. АҚШ долларни миқдоридан кейин батамом тўлаб бўлганидан кейин ана шундай ҳолат вужудга келди.

«Европа валютасини мунтазам сотиб олиш ХВФга қарз тўлаб бўлинганидан кейин захираларни кўпроқ диверсификациялашни таъминлаш борасидаги биринчи қадам бўлади», - деб хабар қилди мамлакат марказий банки.

Чет эл оммавий ахборот воситалари материаллари асосида тайёрланди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш «Заковат» ижтимоий жамғармаси

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТУВЧИЛАР:

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО,

«Иқтисодий ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун 137-23-71

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Пушкин кўчаси, 59-уй.

e-mail: bankingnews@tshtt.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «БА»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓢ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-503

Тираж 8513 нуска.

Босишга рухсат этилди

28.03.2006 й.